

Фурқатбек эса ўз навбатида Азизилло билан суҳбатлашиб, раҳбарга 200 АҚШ доллари бериши лозимлигини айтди. "Ишим шу билан бит-са бўлди-да", деган ўй билан Азизилло айтилган пулни Фурқатбекка берди.

6 бет

Туннинг қолган қисми ҳам бу хонадон учун нотинч ўтди. Акбар жўяк ичи-да ҳамон инграб ётарди. Шифокор муолажани тутатиб чиқиб кетгандан кейин Эсон укасидан хабар олиш учун унинг олдига бориб, фона-рини ёқиб қаради. Чуқур ичида ётган ярадордан сало чиқмади...

9 бет

Mustaqillik huquq demakdir



O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI BOSH
PROKURATURASINING
NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz

2013-yil 7-noyabr, №45 (878)

Ўзбекистон Республикаси Бosh прокуратурасининг масъул ходимларидан иборат делегация Германия Федератив Республикасида хизмат сафарига бўлишди. Маълумки, Германия давлати Европанинг марказида жойлашган бўлиб, Нидерландия, Бельгия, Люксембург, Франция, Швейцария, Австрия, Чехия, Польша ва Дания каби мамлакатлар билан чегаралаш-дир. Мазкур давлат аҳоли сони бўйича дунёда 16-ўринни эгаллаб, 82 миллиондан зиёд фуқарога эга.

Ўзбекистон — Германия:

Ташриф самарали бўлди

Давлат раҳбари — Феде-рал президент ҳисобланиб, ижро ҳокимиятини Федерал канцлер бошқаради. Мамла-катда беш асосий сиёсий партия етакчилиги қилади. Германиянинг ҳуқуқий тизи-ми ўзига хослиги билан аж-ралиб, кўп йиллик ривожла-ниш тарихига эга.

Делегациянинг ташрифи-дан асосий мақсад, қийноққа қарши кураш ва ҳуқуқни му-ҳофаза қилувчи органлар матбуот хизматлари фаоли-яти соҳасида Европа тажри-басини ўрганишдан иборат бўлди.

Ташриф чоғида делега-ция аъзолари Карлсруэ, Франкфурт, Висбаден ҳамда Берлин шаҳарларида бўли-шиб, Федерал Бosh прокура-тура, адлия органлари, поли-ция, инсон ҳуқуқлари бўйича институт, конституциявий ҳуқуқлар бўйича Европа мар-кази, "Қийноққа учраганлар-ни қўллаб-қувватлаш Марка-

З.ТАДЖИЕВ,
Бosh прокуратура бошқарма бошлиғи
У.МУХАМЕДОВ,
Бosh прокуратура бўлими катта прокурори

зи" ва бошқа нодавлат таш-килотлар фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Ўтказилган музокараларда нафақат Европа тажрибаси, балки Ўзбекистонда сўнгги йилларда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган ислохот-лар ҳам муҳокама қилиниб, немис мутахассислари томо-нидан ижобий баҳоланди.

Ташриф давомида тўплан-ган тажриба Ўзбекистон Рес-публикасининг суд тизимини, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини янада такомиллаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш самарадорлиги-га хизмат қилувчи янги ин-ститутларнинг жорий қилини-ши борасида муҳим аҳамият касб этади.



Олтин куз нозматлари

Ҳамкорликнинг янги қирралари

Шу йлнинг октябрь ойида Республикамиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг бир гуруҳ ходимла-ридан иборат Ўзбекистон делегацияси ЕХҲТнинг "Коррупцияга қарши курашиш тизимини ривожлан-тиришга кўмаклашиш" лойиҳаси доирасида Болтиқбўйи дав-латларининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги таж-рибаларини ўрганиш мақсадида Латвия, Литва ва Эстония Республикаларига ташриф буюрди.

Дастлаб делегация аъзола-ри Латвиянинг коррупцияга қарши курашиш ва унинг ол-дини олиш Бюросида (KNAБ) бўлдилар. Бюро бошлиғи жа-ноб Ярослав Стрельченко де-легация аъзоларини Бюро фаолияти, таркибий тузилиши ва вазифалари билан таниш-тирар экан, Бюро бевосита давлат Бosh вазирни назорат қиладиган мустақил ташкилот бўлиб, жумладан, тезкор-тер-гов тадбирларини ўтказиш,

шунингдек, сиёсий партия-ларнинг молиялаштирилиши-ни назорат қилиш орқали коррупцияга қарши курашиш ва унга барҳам бериш маса-лалари билан шуғулланиши-ни таъкидлаб ўтди.

Бюро вакиллари билан уч-рашув чоғида кўпгина давлат-ларни қизиқтираётган кор-рупцияга қарши курашишнинг долзарб масалалари юзаси-дан ўзаро фикр алмашилиб, бу соҳада халқаро ҳамжамият қуч-

ларини бирлаштириш зарур-лиги таъкидлаб ўтилди.

Латвия Бosh прокуратураси-га ташрифи Латвия Бosh про-курори жаноб Эрик Калнме-йерс раҳбарлигидаги проку-ратура ходимлари билан уч-рашувдан бошланди. Жаноб Эрик Калнмейерс Ўзбекистон ва Латвия прокуратура орган-лари ҳамкорлиги юқори да-ражага кўтарилганини таъкид-лади.

/Давоми 4-бетда/

Тадбир

Давра суҳбатидаги муҳокамалар

Жорий йилнинг 4 ноябрь куні Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонун-чилик палатасининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Фермерлар кенгашида "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги Қонун лойиҳасининг синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ҳамда "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси: узвий боғлиқлик ва уларнинг фермерлик ҳаракати янада ривожланишига амалий таъсири" мавзусидаги давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Фермерлар кенга-ши, Савдо-саноат палатаси, тегишли вазирликлар, Олий ва Конституциявий суд, Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқла-ри бўйича вакили (Омбудсман) ҳамда қатор нодавлат нотижорат ташкилот-лар масъул ходимлари, шунингдек, фермер ҳўжаликлари раҳбарлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркор-лик субъектлари вакиллари, олимлар, мутахассислар, қўмита ҳузуридаги жамоат экспертлар гуруҳи аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этидлар.

Давра суҳбатида асосий эътибор қонун лойиҳаларини янада мустаҳкам-лаш, Ўзбекистон Республикаси Пре-зидентининг "Ўзбекистонда фермер-лик фаолиятини ташкил қилишни яна-

да такомиллаштириш ва уни ривожлан-тириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида белгиланган фермер ҳўжа-ликларининг ўзини ўзи бошқаришда таъсирчан механизмларини яратиш, уларнинг давлат ва ҳўжалик бошқару-ви органлари билан ўзаро муносабат-ларини яхшилашга оид ҳуқуқий асос-ларни такомиллаштириш юзасидан қўмитанинг аниқ мақсадли тақлифла-рини ишлаб чиқишга қаратилди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳала-рини такомиллаштириш жараёнида айнан фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, фермер ҳўжаликлари-нинг ўзини ўзи бошқариш таъсирчан механизмларини яратиш, уларнинг давлат ва ҳўжалик бошқаруви орган-лари, қолаверса, тайёрлов, таъминот ва

хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан ўзаро муносабатларининг ўзига хос қирралари ва жиҳатлари юзасидан қўмита томонидан ишлаб чиқилган фермерлар манфаатига тааллуқли бўлган қатор амалий тақлиф ва тавсия-ларни бевосита амалиётчи фермерлар ҳамда фермерлар кенгашлари масъул вакиллари билан давлат бошқаруви органлари мутасаддилари ҳамда экс-пертлар иштирокида атрофича муҳо-кама этиш ва асослантирилган хулоса-лар қабул қилиш асосий мақсад этиб белгиланган.

Шунингдек, жаҳонда кечаётган гло-баллашув ва интеграция, мамлаката-мизда олиб борилаётган сиёсий мо-дернизация жараёнларида ахборотнинг аҳамияти, хусусан, ахборот эркинлиги ва очиклиги масаласи шахс, жамият ва давлат ҳаётида тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Бу борадаги қонун лойиҳасининг қонунчиликдаги ўзига хос усуллардан бири сифатида амалиётчи синовдан ўтказиш ҳамда янада такомиллаштириш орқали қабул қилиниши, авваламбор, фуқаролар-нинг, жумладан, фермерларнинг аҳо-

рот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқини янада кенгрок амалга оши-риш имкониятини яратиб беради, дав-лат ҳокимияти ва бошқаруви орган-ларининг эса аниқ ва сифатли қарор-лар қабул қилинишидаги масъулияти-ни кўп жиҳатдан кучайтириши алоҳи-да эътироф этилди.

Фермерлар кенгашлари вакилла-ри, юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат ва бошқа органлар ҳамда таш-килотларга мурожаатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонун лойиҳаси фермер-лик, кичик бизнес ва хусусий тадбир-корлик субъектлари давлат органла-ри ва бошқа ташкилотларга мурожаат қилиш институтидан фаол фойдаланиш орқали ўз ҳуқуқлари ва қонуний ман-фаатларини ҳимоя қилишлари учун муҳим омил ва ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Муҳокама этилаётган қонун лойи-ҳалари юзасидан билдирилган тақлиф ва мулоҳазалар асосида қўмитанинг тегишли хулоса ва тавсиялари қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

Яратилган кенг имкониятлар, берилган имтиёзлар самараси сифатида турли шаклдаги тадбиркорлик субъектлари мамлакатимиз иқтисодиётида йил сайин муҳим ўрinni тутиб бормоқда. Тадбиркорлик фаолияти давлатнинг томонидан қўллаб-қувватланиб, соҳага доир ҳуқуқий асослар мустаҳкамланиб бормоқда. Афсуски, шундай бир шароитда қонуналарга зид йўл тутиб, иқтисодиётимизга зарар етказётган "тадбиркор"лар ҳам учраб турибди.

Омади чопмаган тадбиркор

Шавкат АКРАМОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори

Маълумки, солиқ тўловларида келаётган маблағлар давлатнинг асосий молиявий базаси ҳисобланади. Давлат ва жамият манфаатларини унутиб, мўмай даромад топиш илнжида солиқ тўловларидан бўйин товлаётган сохта ишбилармонлар бу ҳаётий ҳақиқатни ҳам, қонун талабларини ҳам четлаб ўтишга уринмоқдалар.

Шерзод Ризаевни таниган-билганлар ёш бўлса-да, уддабурон, омади чопган тадбиркорлардан деб билгани аниқ. Бироқ Ш.Ризаев "Spektr-construction" МЧЖ директори лавозимида ишлаган даврида анча-мунча қинғир ишларга қўл уришга улгурган экан. Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛКК департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси ходимлари томонидан "Spektr-construction" МЧЖнинг ҳўжалик фаолияти юзасидан ўтказилган ҳўжатли тафтиш даволатномалари ҳам буни тасдиқлайди.

"Spektr-construction" МЧЖ асосан қурилиш ишларини амалга оширган. Корхонада ишлар яхши кета бошлагач, Ш.Ризаев корхона молиявий ҳўжалик фаолиятини якка ўзи юритишни истаб қолади. Шу мақсадда буйруқ чиқариб, 2010 йил 30 декабрда жамият бош ҳисобчисини ишдан бўшатиб юборди. Давлат солиқ инспекциясига корхонанинг молиявий ҳўжалик фаолиятига доир ҳисоботларига сохта маълумотлар киритиб, имзолаб топшириб юбораверган.

Аниқланишича, Ш.Ризаев мазкур ҳисоботларда солиққа тортиладиган базани яшириш йўли билан 30 млн. 959 минг 900 сўм, жумладан, 17 млн. 115 минг 400 сўм даромад солиғи, 13 млн. 844 минг 500 сўм миқдоридagi инфратўзилмани ривожлантириш солиғини тўлашдан қасддан бўйин товлаган.

Текширув давомида Ш.Ризаевнинг қинғирликлари бу билан якунланмагани аниқланган. У жинойий ҳаракатларини давом эттириб, корхонанинг 2011 йилги фаолияти даврида бошқа корхоналардан шартнома асосида сотиб олинган 40 миллион сўмликдан ошироқ миқдордаги турли хил қурилиш материалларини назорат-касса машинасидан фойдаланмаган ҳолда нақд пулга сотиб, саводдан тушган пулларни банк муассасасига инкасса қилмасдан ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган. Бу билан у Солиқ кодексини, Вазирлар Маҳкамасининг соҳага доир қарорлари талабларига зид иш тутган.

Жинойят жазосиз қолмайди. Ш.Ризаев ҳам суд ҳукми билан тегишли жазосини олди.

Хулоса қилиб айтганда, қинғир йўл билан пул топишни мақсад қилган "уддабуронлар" вақти-соати билан қонун олдида жавоб беришларига тўғри келади.

Сохта маълумот қимматга тушди

Қўпчилик имкон қадар атрофлагиларга яхшилик қилишга уринади. Баъзилар эса ҳўзурига илтимос билан келган инсоннинг раъйини қайтаришни истамайди. Баъзан бу қонунга хилоф бўлса ҳам.

Мансабини шахсий манфаат манбаига айлантириб олган бу кимсалар, танишимнинг илтимоси ерда қолмасин, дея чўнтакларини қаппайтиришни ният қиладилар. Аслида бу жинойят эканлигини, ўзларига кейинчалик қимматга тушиши мумкинлигини ўйламайдилар. Сўнгги пўшаймон эса, ўзингга душман.

Шовотлик Рашид Мадраҳимов ҳамда Гавҳар Ражабовалар ана шундай "ҳўжатбарор"лардан бўлиб чиқишди. Улар Шовот тумани идораларо шахсий таркиб ҳўжатлари архивида ишлар эди. Масъул лавозимда ишлаб келган фаолиятлари давомида ўз мансаб мавқеини суистеъмол қилиб, мансабидан қасддан фойдаланган, деган айблов билан бу-

гун уларнинг боши эгик. Рашид Мадраҳимов жами 25 ҳўлатда, Гавҳар Ражабова эса 12 та ҳўлатда фуқароларнинг ойлик иш ҳўқларини ортиқча кўрсатиб, сохта ёзув ва маълумотлар киритилган ҳўжатлар тузишган экан. Бу ҳўжатларни туман ижтимоий таъминот бўлимига тақдим қилгани оқибатида маълумот сохиблари ортиқча нафақа олишга муваффақ бўлишган. Бу эса қонун билан кўриқланадиган давлат манфаатларига 51 863,2 минг сўм, фуқароларнинг манфаатларига эса 31964,3 минг сўм миқдорда жиддий зиён етказилишига сабаб бўлган. Улар қилаётган ишлари қонун доирасидан четда эканлигини яхши билишса-да, мансабларидан ўз мақсадлари йўлида фойдаландилар. Афсуски, қилган ишлари бир кун фаш

Абдурашид ЖУМАНИЁЗОВ,
Шовот туман прокурорининг катта ёрданчиси

бўлишини ўйлаб ҳам ўтирмадилар.

Юқоридаги ҳўлатлар юзасидан суд ақрим чиқарди. Унга кўра, Р.Мадраҳимов ҳамда Г.Ражабовалар томонидан содир этилган жинойятлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2012 йил 5 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарори таъсир доирасига тушишини инобатга олган ҳолда, уларга нисбатан амнистия акти қўлланилиб, жазодан озод қилинди.

Ўйлаймики, улар бу имкониятдан оқилона хулоса чиқариб олишади.

Нафс балоси

Рўзимаҳмад ТУРСУНКУЛОВ,
СВОЖДЛКК департаментининг Сўрхондарё вилоят бошқармаси катта инспектори

Халқимизда "Нафс балосидан сақласин", деган нақл бежизга айтилмаган. Эгри йўлга юрган қанчадан-қанча инсонлар бу балонинг қўрбонига айланмоқдалар. Жорий йилда Бойсун, Шўрчи ва Ўзун туманларида содир этилган жинойятлар ўша нафс балосига учраган инсонлар томонидан содир этилган. Чунотчи, Абдусалом Улуқов Бойсун туман электр таъминоти корхонаси бошлги лавозимида ишларди. Ишининг "паст-баланд"ни тушуниб олган бу кимса ҳамкасблари орасида ўзининг "мен"лигини ўтказадиганлардан эли. У юқорида айтиб ўтганимиздек, нафсининг қўлига айланган. Ўз мансабини суистеъмол қилиб, тадбиркор ва фуқароларнинг ҳўқига хиёнат қилди.

Харом луқмани фақатгина ўзининг "томоғи"га раво кўрмаган Абдусалом шу корхонанинг ҳўқуқшуноси Ю.Салимовга ҳам илнанади. Улар ўзаро тил бириктириб, ўз олдиларига мўмай даромад топиш мақсадини қўйдилар.

Абдусалом Улуқов Бойсун тумани "Инкабот" маҳалласида яшовчи фуқаро Б.Қўкелдиевдан электр энергияси бўйича 960 минг сўмлик қарздорлигини компьютер базасидан ўчириш эвазига тамагирлик йўли билан 500 минг сўм талаб қилади.

Департаментнинг вилоят бошқармаси ва ҳўқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбирда Бойсун туманидаги "Инкабот" маҳалласи ҳудудида жойлашган автомобиллар тўхташ бекати олдида "Дамас" русумли автомобилни ичида Бойсун туман электр тармоқлари корхонаси бошлги А.Улуқовнинг топшириғига кўра корхона ҳўқуқшуноси Ю.Салимов фуқаро Б.Қўкелдиевдан 500 минг сўм пулни олган вақтида қўлга олинди.

Шунингдек, "Жанубгазтаъминот" УК Шўрчи туман газ таъминоти филиали назоратчиси О.Ўсаров истеъмол қилинган газ қарздорлигини йўқ қилиш эвазига пул талаб қилаётганлиги юзасидан 2013 йил 6 февралда ўтказилган тадбирда газ назоратчиси О.Ўсаров тамагирлик йўли билан У.Чориевдан 200 АҚШ доллари ва 100 минг сўм пулни пора тариқасида олаётган вақтда қўлга олинди.

Фуқаро О.Ўсаров ўзининг кўрсатмасида пора тариқасида олинган пулларни туман газ филиали ҳўқуқшуноси Қ.Хўжамбердиевга беришини айтиб, ушбу пуллар махсус кимёвий ишлов берилиб қўзатувга олинганда, Қ.Хўжамбердиев ўз хизмат хонасида О.Ўсаровдан пора тариқасида 200 АҚШ доллари ва 100 минг сўмни олаётган вақтида бу кимса ҳам ҳўқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан ушланган.

Бундан ташқари, Ўзун туман электр таъминоти корхонаси назоратчиси О.Буранов истеъмол қилинган электр энергияси қарздорлигини йўқ қилиш ва электр тармоғига қайта улаб бериш эвазига фуқаро А.Ҳўжамбердиев товланмачилик йўли билан ҳўқ беришини талаб қилиб, 150 минг сўм пулни олаётган вақтида воқеа жойида ушланган.

Нафс олдида виждонини унутиб, раҳбарликини имтиёз деб билган ушбу кимсалар ўз қилмишларига яраш жазоларини олишди.

Наманган вилоятинда Одам савдосига қарши курашиш бўйича вилоят идораларо комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтган. Унда Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни, Президенти-мизнинг "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идораларо комиссияси қарорларининг вилоятдаги ижросини ўрганиш якунла-ри таҳлил этилди.

Вазифалар белгилаб олинди

Нилуфар НИЁЗОВА,
«Hudud»

Йиғилишда ҳўқуқни муҳофаза қилувчи идоралар раҳбарлари, Одам савдосига қарши курашиш бўйича вилоят идораларо комиссияси ва таҳлилий ишчи гуруҳи аъзолари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва бошқалар иштирок этди. Қайд этилганидек, вилоятда одам савдосига қарши курашиш бўйича ҳудудий идораларо комиссиялари, ҳўқуқни муҳофаза қилувчи органлар, хусусан, вилоят прокуратураси, давлат бошқуруви ва жамоатчилик ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қатор ижобий ишлар амалга оширилган.

Хусусан, комиссия аъзолари учун вилоят, шаҳар ва туманлар ҳўқимликларида таҳлилий ишчи гуруҳ хоналари ташкил этилган бўлиб, зарур ҳўқозлар ва керакли адабётлар билан таъминланган. Биргина 2012 йил ва жорий йилнинг ўтган 8 ойи давомида бу борада 11 мартаба турли йиғилишлар ўтказилиб, комиссия қарорлари ижросига эътибор қаратилди. Бундан ташқари, ҳудудий идораларо комиссиялари фаолиятини такомиллаштириш ҳамда масъул котиблар, ишчи гуруҳ аъзоларининг касб маҳорати ҳамда малакасини ошириш мақсадида Наманган шаҳри, Косонсой, Ўйчи, Тўрақўрган, Норин ва Наманган туманларида ўқув семинарлари ташкил этилди. Шунингдек, жорий йилнинг ўтган даврида вилоятда одам савдосига оид жинойятларнинг олдини олиш мақсадида жойларда, таълим муассасаларида тарғибот тадбирлари, учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилиб, 79 мартаба телевидение, 128 мартаба радио орқали чиқишлар қилинди, газета ва журналларда 340 дан ортиқ мақолалар чоп этилди.

Йиғилишда вилоятда аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Жумладан, ҳудудда тасдиқланган дастурга асосан 2012 йил ва жорий йилнинг ўтган 8 ойида жами 127 минг 673 та янги иш ўринлари яратилди. Бундан ташқари, Одам савдосига қарши курашиш вилоят ҳудудий идораларо комиссияси ташаббуси билан 19 сентябрь кўни Наманган шаҳридаги "Баркамол авлод" спорт мажмуасида бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ўтказилиб, унда 101 та корхона, ташкилот ва ҳўжалик юритувчи субъектлар ўзларидаги 1100 та бўш иш ўринлари билан қатнашишди.

Мажлисида олиб борилаётган ижобий ишлар билан бир қаторда йўл қўйилган айрим камчиликлар ҳам чуқур таҳлил этилди. Йиғилиш якунида ўрганиш жараёнида аниқланган мазкур камчиликларни бартараф этиш юзасидан бир қатор вазифалар белгилаб олинди.

Бепарволик — ривожланиш кушандаси

Соғлик — бебаҳо неъмат. Зеро, руҳимиз тетик, жисму жонимиз соғ экан, ҳаёт завқини туйиб яшаймиз. Эзгу ният билан хайрли юмушлар, элу халқ манфаати йўлидаги ибратли ишларга ҳисса қўшиш учун интиламиз.

Юртимизда соғлиқни сақлаш тизими ривожига эътибор масаласи фаровон келажаки таъминлаш йўлидаги энг устувор вазифалардан бири ҳисобланиши беҳиз эмас. Негаки, мамлакатнинг эртанги ёруғ истиқболи миллат соғлиги, навқирон авлод тақдири билан чамбарчас боғлиқдир. Бугун ушбу ҳаётӣ ҳақиқатга монанд тарзда аҳоли саломатлигини асраш, маънан ва жисмонан баркамол фарзандларни воға етказишдек хайрли мақсад йўлида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Тарихан қисқа муддат ичида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида рўй берган оламшумул янгиланишлар, тиббий хизматнинг жаҳон андозалари даражасидаги ўзига хос миллий модели яратилиб, жойларда дунё стандартларига мос энг замонавий даволаш-ташхис ускуналари билан жиҳозланган шифо масканлари бунёд этилганлиги бунинг ёрқин ифодаси бўла олади.

Фахрлансак арзийдики, юртимиз тиббиётини энг илғор услублар жорий қилиниб, соҳада малакали мутахассислар фаолият юритишини таъминлаш ҳамда шифо масканларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида эришилган ижобий натижалар бугун халқро доираларда ҳам алоҳида эътироф этилаётир. Энг муҳими, бу йўналишдаги ижобий натижалар, бир зумга бўлсин, тўхтаб қолгани йўқ. Аксинча, инсон қадрини улғу-

лаш ҳамда унинг манфаатларини таъминлашга қаратилган эзгу ташаббуслар изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Бироқ тизимда олиб борилаётган ана шу изчил ишхотларга қарамай, баъзи ҳолатларда соҳа ходимлари томонидан қонунбузилишларга ва лоқайдликка йўл қўйилмоқда. Ана шундай бепарволикларга чек қўйиш мақсадида Косонсой туман прокуратураси томонидан туман тиббиёт бирлашмасида текшириш ўтказилди. Унда асосий эътибор фуқаролар соғлигини сақлаш, малакали тиббий хизматни ташкил этиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, юқумли касалликларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга қаратилиб, бу борадаги қонунчилик ижроси ўрганилди. Аниқланишича, муассасада Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бир қатор буйруқ ва кўрсатмаларига талаб даражасида амал қилинмаган, аҳолига хизмат кўрсатиш, тиббий маданиятни юксалтириш ишларига бепарволик билан қаралган.

Тугиш ёшидаги аёлларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёллар саломатлигини асраш ҳамда соғломлаштириш борасидаги ишлар талаб даражасида ташкил этилмаганлиги сабабли жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 51186 нафар тугиш ёшидаги аёллардан 29156 нафаридан турли касалликлар аниқланган.

Шунингдек, бирлашмада

2 нафар болалар шифокори, 1 нафар нарколог шифокор, 1 нафар шифокор-эндокринолог ҳамда жойлардаги кишлоқ врачлик пунктларида 25 нафар умумий амалиёт шифокорлари етишмасида, раҳбарлар томонидан мутахассислар билан таъминлаш, бўш ўринларни тўлдириш чоралари кўрилмаган. 53 нафар тиббиёт ходими Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли буйруғига зид равишда тиббий кўрикдан ўтмаган ҳолда иш билан таъминланган.

Текширувлар давомида бу каби қонунбузарликларни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланиб, хизмат вазифасига масъулиятсизлик билан ёндашган шахслар жавобгарликка тортилди.

Юртимиз иқтисодиётининг таянчи бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга катта эътибор қаратилаётганини эсга олганда, бу борада прокуратура органлари томонидан кўрилатган чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Косонсой туман прокуратурасида ҳам тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятга оқонуний аралашувларнинг олдини олиш, жойларда текширишларни камайтириш, турли тўсиқ ва суиестемолчиликларни бартараф этишга қаратилган муайян ишлар амалга оширилмоқда. Назорат тадбирлари, текширишлар ўтказилиб, оқонуний фаолиятга, буйруқбозлик ва бюрократик тўсиқларга йўл қўйган мутасаддилар ва масъулларга нисбатан тегишли чоралар қўрилди. Жумладан, туман Давлат солиқ инспекциясининг вазифаси тад-

биркорларни қўллаб-қувватлаш, уларга ҳар томонлама кўмак бериш бўла туриб, тизим ходимлари томонидан қонунбузарликка йўл қўйилган.

Нооziк-овқат маҳсулотлари чакана савдоси билан шуғулланишни бошлаган тадбиркор Ж.Охуннинг фаолияти уч кундаёқ тўхтатилиб, назорат-касса машинасининг ишламаётгани баҳонаси билан унга молиявий жарима қўлланилган. Оқибатда, энди-гина иш бошлаган тадбиркор фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган.

Бу каби текширувлар натижасида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида тумандаги 100 га яқин тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқлари тикланишига эришилди. Бир неча ҳолатда тадбиркорларнинг фаолиятига оқонуний аралашилганлиги, шунингдек, ортиқча ҳужжатлар талаб қилинганлиги аниқланди. Ҳокимлик ва назорат органларининг бир қатор қарорларига нисбатан протест келтирилиб, улар қонунга мувофиқлаштирилди. Ўз вақтида кўриб чиқилмаган 12 та мурожаатнинг ҳал этилишига эришилди. Шунингдек, 206 нафар тадбиркорга амалий ёрдам кўрсатилди. Натижада янги иш ўринлари яратилишига эришилди. Тадбиркорларнинг мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқмаган маҳаллий ҳокимият, давлат бошқаруви ва назорат-тектирув органлари, уларнинг мансабдор шахсларига нисбатан қатъ-

Валижон МАМАДАЛИЕВ,
Косонсой туман
прокурови

ий назорат тартиби жорий қилинганлиги бу борадаги вазиятни тубдан яхшилаш имконини бермоқда.

Юқоридаги каби қонунбузилиш ҳолатларини аниқлаш ва уларга нисбатан ўз вақтида тегишли чоралар қўришда прокуратура органларида ташкил этилган "Ишонч телефони"га 7 нафар тадбиркор мурожаат қилиб, ёрдам сўраган. Уларнинг мурожаатлари эътиборга олинди, қонун доирасида амалий кўмак берилди.

Туманимизда ёшларни, хусусан, коллеж битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада ижобий натижаларга эришилмоқда. Хусусан, ўтган давр мобайнида 18 нафар коллеж битирувчиси яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилиб, эркин фаолият юрита бошлади. Шунингдек, битирувчиларнинг 23 нафарига тижорат банклари томонидан 70 миллионга яқин кредит маблағлари олишда ёрдам кўрсатилди.

Ҳозирги кунга келиб коллежи тамомлаган 2792 нафар битирувчининг бандлиги таъминланиб, шундан 2724 нафари ишга жойлаштирилди.

Фуқаро манфаати — қонун ҳимоясида

Прократура қонунларни назорат қилувчи орган бўлгани боис, унинг зиммасига улкан масъулият юкланади. Шунингдек, "Прократура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига мувофиқ, прокуратура органлари ҳар бир ариза ёки шикоятлар ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатини кўриб чиқиб, фуқароларнинг бузилган ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш, манфаатларини қонун доирасида ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўриши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда юқорида қайд этилган қонун талабларини бажариш эса тизим ходимларидан қатъиятлилиқ, билим ва малака талаб этади. Чунончи, мурожаатларнинг муаллифини қабул қилишдан тортиб, у келтираётган ваяларни синчиқлаб текшириш, давлат идоралари ҳамда жамоат ташкилотларининг манфаатдор ва ваколатли шахслари ўзларига юклатилган вазифаларни қай тарзда урдалашлари устидан назорат ўрнатиш, шу билан бирга, инсон ҳуқуқларининг бузилмаслигини таъминлаш, энг асосийси эса, ҳар қандай ҳолатда қонун устуворлигини таъминлашга эришиш прокуратура органлари олдида турган энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Шунга кўра, Тошкент шаҳар прокуратураси органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуни ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Шунга кўра, фуқароларнинг ариза ва шикоятлари билан ишлаш-

га, уларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, шаҳар прокуратураси ва барча туман прокуратураларида фуқароларни қабул қилиш хоналари ташкил этилиб, улар "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги ҳамда шу соҳага оид бошқа қонун ҳужжатлари билан жиҳозланган. Айниқса, вояга етмаганлар, тадбиркорлик субъектлари, ўй-жой, коммунал хизмат соҳасидаги қонунбузилишлар билан боғлиқ мурожаатларнинг кўриб чиқилишига эътибор кучайтирилди.

Бундан ташқари, шаҳар прокуратурасига "1007" рақамли ишонч телефони ўрнатилган бўлиб, жорий йилнинг ўтган даврида ишонч телефони-га келиб тушган мурожаатларнинг барчаси текширилиб, натижалари буйича қонуний қарорлар қабул қилинган ва бу ҳақда муаллифларга ўз вақтида жавоб берилган.

Соҳага боғлиқ қонун ҳужжатларининг ижроси юзасидан 119 та текшириш ўтказилиб, аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан айбдорларга тегишли чоралар кўрилди.

Жумладан, тегишли органларга 119 та тақдимнома киритилиб, 11 нафар мансабдор шахс огоҳлантирилди. 193 та интизомий, 40 та маъмурий ҳамда 9 та жиноят ишлари қўзғатилиб, 18 нафар шахсининг бузилган ҳуқуқлари тикланди. Хусусан, шаҳар прокуратурасига мурожаат қилган фуқаро С.Ногай ўз аризасида 2007 йил декабрда ким ошди савдоси орқали ўй-жой қуриш учун ер участкаси сотиб олгани, аммо шаҳар ҳокимиятининг 2012 йил октябрдаги қарорига асосан ким ошди савдоси қарори бекор қилиниб, 2013 йил апрелда Миробод туман ҳокимиятининг қарори билан ушбу ер участкаси автотураргоҳ қуриш учун ундан олиб қўйилганини баён қилган.

Унинг аризаси юзасидан текширув ўтказилиб, натижасига кўра шаҳар ҳокимиятининг қарорини бекор қилиш ҳақида протест киритилиб, оқонуний қарор бекор қилиниб ва фуқаронинг бузилган ҳуқуқи тикланди.

Тошкент шаҳар прокуратурасининг ишонч телефони мурожаат қилган "Югонефгазсбытневест" МЧЖ раҳбари М.Мамаинов эса ўз аризасида улғуржи савдо фаолиятини амалга ошириш учун рухсат олиш мақсадида ҳужжатларини Ўчтепа туман ҳокимиятига топ-

Алишер МАКСУДОВ,
Тошкент шаҳар прокуровининг катта ёрдамчиси

ширгани, бироқ ҳокимият мутасаддилари лицензия беришни пайсалга солишгаётганини маълум қилган.

Мазкур мурожаат шаҳар прокуратураси томонидан кўриб чиқилиб, унда келтирилган ваялар ўз тасдиғини топи ва мурожаат муаллифига улғуржи савдо билан шуғулланишга рухсатноманинг берилиши таъминланиб, туман ҳокимиятининг биринчи ўринбосари А.Каримбеков интизомий жавобгарликка тортилди.

Умуман олганда эса, мурожаатларни кўриб чиқиш натижаларига кўра, жами 142 та тақдимнома, 56 та протест киритилган. 16 нафар шахс огоҳлантирилиб, 101 та интизомий, 159 та маъмурий ва 126 та жиноят ишлари қўзғатилган. Судларга 1,8 млрд. сўмлик 172 та даъво аризалари киритилган.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, ҳар бир ариза ортида инсон тақдири, унинг орзу-интилишлари, ташвишу муаммолари бор экан, уларга бефарқ бўлишга, лоқайдликка йўл қўйишга ҳаққимиз йўқ.

Ҳамкорликнинг янги қирралари

[Давоми. Бошланиши 1-бетда]

Шунингдек, у меҳмонларни Латвия прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари, вазифалари, тузилиши ҳамда коррупцияга қарши курашдаги ўрни ҳақида тўхталиб, Латвия прокуратура органлари фаолиятининг тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий асосга мувофиқ прокуратура коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш Бюроси, давлат жиноятчиликка қарши курашиш полицияси, хавфсизлик полицияси ва молия полицияси каби органларнинг тезкор-тергов ҳаракатлари қонунийлиги устидан назоратни амалга оширишини айтиб ўтди. У шунингдек, прокуратура жиноят ишини бир тергов органидан бошқасига ўтказиш ваколатига эга эканлигини, мазкур органлар терговни якунланган ишни прокуратура органларига топширишини, ўз навбатида, прокуратура тергов иши тўлиқ олиб бориладигани ҳамда далиллар манбаси мавжудлигини ўрганиб чиқишини, агар камчиликлар аниқланса, прокурор қўшимча тергов ўтказиш учун жиноят ишини тергов органига қайтариш ҳуқуқига эга эканлигини, асослар етарли бўлган ҳолларда прокурор айблов ҳулосаси тузиб, жиноят ишини судга юборишини, суд эса ишни қўриб чиқиш натижасига қараб, айблов ёки оқлов ҳукмини чиқаришини гапириб ўтди.

Ўзбекистон прокуратура органларининг коррупцияга қарши кураш соҳасидаги фа-

олияти латвиялик ҳамкасбларда катта қизиқиш уйғотди. Ўзаро мулоқотда ҳар икки томоннинг ушбу масаладаги қарашлари муштараклиги эътироф этилиб, хусусан, коррупцияга қарши курашиш борасида кучларни бирлаштириш муҳимлиги қайд этилди.

Делегация аъзоларининг Литва Республикасига сафари ҳам учрашув ва мулоқотларга бой бўлди. Жумладан, улар Литва Олий судида бир гуруҳ суд ходимлари билан учрашувда иштирок этишди. Шунингдек, Литванинг Махсус тергов хизматида (МТХ) бўлиб, унинг фаолияти билан яқиндан танишдилар. МТХ директори жаноб Саулиус Урбанавичус махсус хизмат фаолияти ҳақида тўхталар экан, у коррупцияга ва мансабдорлик жиноятларига қарши курашувчи, ҳукуматга ҳамда давлат раҳбарига ҳисобот берувчи орган эканлигини таъкидлади. Шунингдек, у МТХ коррупция ҳолатларининг олдини олиш масалалари билан ҳам шуғулланишини, мазкур тоифадаги ишлар юзасидан тезкор-тергов ишларини олиб боришини, МТХ фаолияти Литва Республикасининг "Махсус тергов хизмати тўғрисида"ги, "Коррупциянинг олдини олиш тўғрисида"ги Қонуни, коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий Дастури билан тартибга солинишини айтиб ўтди.

Литва ҳукумати маҳкамаси ҳузуридаги коррупцияга ва икцидсий жиноятчиликка қарши курашни мувофиқлаштирувчи бўлим раҳбари, Литва Республикаси Сеймининг

коррупцияга қарши комиссияси аъзолари билан учрашув ва суҳбатларда делегациямиз аъзолари мамлакатда коррупцияга қарши курашнинг институционал тизими ҳақидаги маълумотлар билан таништирилди.

Шунингдек, ўзбекистонлик меҳмонлар Литва Бош прокуратурасида Литва Бош прокурори жаноб Дариус Валис қабулида бўлишди. Бош прокурор Литва прокуратурасининг таркибий тузилиши, фаолият йўналишлари ва вазифалари билан таништирар экан, унинг коррупцияга қарши курашдаги ролини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, "Прокуратура жиноят ишларининг судга қадар терговини амалга оширишда ҳамда унинг судга қадар тергов бўлиналарида ўтказилишини ташкиллаштириш, тергов устидан раҳбарлик қилади ҳамда ушбу органлар мансабдор шахсларининг жиноят процесси давомида олиб борадиган ишларини назорат қилади, судга қадар тергов органлари фаолиятини мувофиқлаштириб боради. Судларда давлат айбловини қувватлашнинг ягона амалиётини шакллантиради ҳамда уларда иштирок этади, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа вазифаларни бажаради", дея суҳбатни давом эттирди жаноб Дариус Валис.

Учрашувда Ўзбекистон ва Литва Бош прокуратуралари ўртасида идораларо ҳамкорлики йўлга қўйишдан ҳар икки томон манфаатдор эканлиги таъкидланди.

Эстонияга ташриф доираси-

да делегация вакиллари дастлаб ушбу мамлакат Адлия вазирлигининг асосий фаолият йўналишлари билан танишдилар. Тақдим этилган маълумотларга кўра, мазкур вазирлик коррупцияга қарши курашишни мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади. Адлия вазирлиги ташаббуси билан мунтазам равишда аҳоли ўртасида ижтимоий сўровлар ўтказиб турилади ҳамда унинг натижаларига қараб коррупция ҳолатига баҳо берилади. Шунингдек, Эстонияда ҳўжалик юритувчи субъектлар ва давлат ўртасидаги муносабатларни тартибга солишнинг электрон тизими ҳамда кичик ва ўрта бизнес соҳасида соддалаштирилган ҳуқуқий тизимнинг жорий этилган тўғайли мамлакат коррупция кўрсаткичлари дунёдаги энг паст бўлган давлатлар қаторига кириши қайд этилди.

Делегация аъзолари Эстония Бош прокуратурасига ҳам ташриф буюриб, Бош прокуратура департаменти раҳбари Хеили Сепп билан учрашувда иштирок этдилар. Мулоқот чоғида Хеили Сепп меҳмонларга прокуратура фаолияти, тузилиши, фаолиятининг асосий йўналишлари ҳақида батафсил маълумот берди. Департамент раҳбари: "Эстонияда прокуратура Адлия вазирлиги бошқаруви доирасига қараганда давлат идораси ҳисобланади. Бош прокурор раҳбарлигидаги прокуратура қонундан келиб чиқадиغان вазифаларини бажаришда мустақилдир ва фақат қонунга таянган ҳолда иш қўради. Прокуратура жиноят

ишларининг судга қадар юритилишига бош-қош бўлиб, унинг қонуний ва самарали бўлишини таъминлайди. Қидирув фаолиятида иштирок этади ва судда давлат айбловини қувватлайди ҳамда қонунда назарда тутилган бошқа мажбуриятларини бажаради. Прокуратура жиноят иши юритилишида бош идора сифатида тергов органларига далиллар тўплаш юзасидан топшириқлар беради ҳамда аниқланган ҳолатларга мувофиқ айблов эълон қилиш ҳақида қарор қабул қилади. Тергов органлари таркибига полиция ва чегарани қўриқлаш Департаменти, хавфсизлик полицияси Департаменти, рақобат ишлари бўйича Департамент, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш инспекцияси, муҳофаза кучлари Бош штаби қиради", дея таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, бу ерда Эстония криминал Марказий полицияси, мамлакат парламенти коррупцияга қарши кураш махсус комиссияси, Молия вазирлигининг давлат маъмурияти ва давлат хизмати бўлими, ички хавфсизлик хизматининг коррупцияга қарши кураш борасидаги фаолияти юзасидан ҳам тажриба алмашинди.

Хулоса қилиб айтганда, Болтиқбўйи давлатларига ташриф Ўзбекистон делегацияси аъзолари учун ҳар томонлама самарали ва фойдали бўлди. Сафар давомида ортирилган халқаро тажриба мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш жараёнини тақомиллаштиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Ҳуқуқбузарликларга қарши курашишнинг қонуний асоси кучайтирилади

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси нима?

— ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, яқка тартибдаги ва викимонологик профилактикасининг ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек уларнинг содир этилишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадига ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари томонидан қўлланиладиган иккинчи, ҳуқуқий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлар тизими.

"Ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонун лойиҳасидан

Мамлакатимизда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, вазирликлар ва идоралар, жамоат бирлашмалари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси, жамоат тартибини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини жинойи таҳовузулардан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмларини тақомиллаштириш бўйича устувор вазифаларни амалга ошириш давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ушбу йўналишда амалга оширилган туб ислохотлар ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси соҳасидаги фаолиятнинг кўриниши, моҳияти, мазмуни ва принципларини тубдан ўзгартариб юборди. Ҳуқуқ-тартибот органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда жамоатчилик ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг кучайтирилиши фуқароларнинг ҳокимият институтларига бўлган ишончини мустаҳкамлаш учун зарур шарт-шароитларни яратиб, бажарилиши зарур бўлган вази-

фаларни амалга оширишнинг янада ишончилигини таъминлади.

Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини амалга ошириш ва ҳуқуқ-тартиботни сақлашда маҳалларда милиция таянч пунктлари, "Маҳалла посбони" жамоат тузилмаларининг ташкил этилганлиги, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қошидаги яраштирув комиссияларининг фаолият юритаётганлиги алоҳида аҳамият касб этмоқда. Қўрилган чоралар ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноят содир этилишини келтириб чиқарувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, уларни бартараф этиш ишларини кучайтириш имконини берди, жойларда вазиятнинг яхшиланишига эришилди. Лекин шунга қарамай, бугунги кунда ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тизимини янада тақомиллаштириш зарурати юзага келмоқда. Хусусан, ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси субъектлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий механизмлари қонун ҳужжатларида мустаҳкамланмаган, бу эса улар фаолиятини мувофиқ-

лаштириш жиҳатларини турлича изоҳлашга, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг бутун тизимини ташкил этишда ягона ёндашувнинг мавжуд эмаслигига олиб келмоқда.

Бундан ташқари, ташкилот, корхона ва муассасаларнинг айрим мансабдор шахслари ҳуқуқбузарликлар профилактикасини кенг қўламда амалга оширишда етарлича фаоллик ва ташаббус кўрсатмаётганлиги Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Идораларо ишчи гуруҳи томонидан ўрганилган. Мавжуд муаммоларни бартараф этиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш мақсадида "Ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва лойиҳа шу кунларда иккинчи ўқишда муҳокама этилмоқда.

Лойиҳанинг асосий ғояси ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг кўп қиррали тизимини амалга ошириш принципи негизда давлат тузилмалари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини шакллантирадиган ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг бутун тизими фаолиятининг асосини қонуний мустаҳкамлашдан иборатдир.

Қонун лойиҳаси ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи сабаблар ва уларнинг содир этилишига имкон берувчи шарт-шароитларни аниқлаш, уларни бартараф этиш чораларини амалга оширишга йўналтирилган умумий, махсус, яқка тартибдаги ва викимонологик профилактикани ташкил этиш ва амалга ошириш мақсадидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси

Олим ЎСАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси депутати

субъектларининг фаолияти ҳисобланади. Шунингдек, ҳуқуқий базанинг таҳлили шуни кўрсатдики, ҳозирги кунда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси масалалари айрим қонун нормалари, ҳукумат қарорлари, идоравий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Лойиҳани тайёрлашда МДХ ва хорижий мамлакатларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги тажрибалари ҳисобга олинди. Халқаро амалиётни ўрганиш шундан далолат берадики, бир қатор хорижий мамлакатлар (Россия, Беларусь, Қозғоғистон ва бошқалар)да ҳуқуқбузарликлар профилактикаси масалалари ягона қонунчилик ҳужжати билан тартибга солинган. Умуман, МДХ мамлакатларида бевосита ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини ички ишлар, давлат хавфсизлиги органларининг тегишли бўлиналари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар амалга оширади.

Шу билан бирга, ўрганилаётган лойиҳага ўхшаш хориждаги лойиҳаларда илҳомий ҳаётий қадриятлари тарғиб қилиш, турли ҳаётий вазиятларга тушиб қолган шахсларни моддий, психологик ва бошқа турда қўллаб-қувватлаш назарда тутилган. Шунингдек, давлат органлари фаолиятининг ижтимоий институтлари ва бевосита фуқаролари томонидан жамоатчилик асосида назорат қилиниши принципи қонун билан мустаҳкамланган.

[Давоми 7-бетда]

Ахборот хавфсизлиги: миллий қонунчилик ва халқаро стандартлар

Давлатимиз мустақилликка эришгач, демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида жамият ҳаётининг барча соҳаларида чуқур ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўтган йиллар давомида амалга оширилган демократик ислохотлар ҳаётимизнинг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-маданий ҳамда мафкуравий соҳаларини тўлиқ қамраб олади.

Мамлакатимиз Президент Исмоил Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"га бағишланган маърузасида ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш масалаларига ўқталлиб, мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичидаги муҳим йўналишларидан бири — аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштирокини таъминлашга қаратилган ахборот эркинлигини таъминлашдан иборат эканлигини алоҳида таъкидлади.

Бу ўринда айтиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган дастлабки йилларданок, ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантириш, иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида замонавий ахборот технологияларини, компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларини оммавий равишда жорий этиш ҳамда улардан фойдаланиш, фуқароларнинг ахборотга ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондириш, жаҳон ахборот ҳамжамиятига қириш ҳамда жаҳон ахборот ресурсларидан баҳраманд бўлишни кенгайтириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, бу соҳада босқичма-босқич ислохотлар амалга оширилмоқда.

Аббатта, бу соҳадаги қабул қилинган қонун ва қарорларнинг асосий мақсади замонавий компьютер ва ахборот технологияларини иқтисодиёт, фан ва таълимнинг барча соҳаларига кенг жорий этиш, халқаро ахборот тизимларига, шу жумладан, Интернетга кириб боришни кенгайтириш, юқори малакали дастурчи-мутахассисларни тайёрлаш даражасини ошириш орқали ахборотлашган жамиятга ўтиш ва фуқаролар ҳуқуқий маданиятини ошириш ҳисобланади.

Шу босдан мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсати ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва ахборот тизимларини ривожлантириш ҳамда тақомиллаштиришнинг замонавий жаҳон тамойилларини ҳисобга олган ҳолда миллий ахборот тизимини яратишга қаратилди.

Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида қуйидагилар белгиланди:

— ҳар кимнинг ахборотни эркин олиш ва тарқатишга оид конституциявий ҳуқуқларини

рўйбга чиқариш, ахборот ресурсларидан фойдаланишни таъминлаш;

— давлат органларининг ахборот тизимлари, тармоқ ва худудий ахборот тизимлари, шунингдек, юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг ахборот тизимлари асосида Ўзбекистон Республикасининг ягона ахборот маконини яратиш;

— глобал ахборот тармоқларидан фойдаланиш учун шароит яратиш;

— давлат ахборот ресурсларини шакллантириш, ахборот тизимларини яратиш ҳамда ривожлантириш, уларнинг бир-бирига мослиги ва ўзаро алоқада ишлашнинг таъминлаш;

— ахборот технологияларининг замонавий воситалари ишлаб чиқарилишини ташкил этиш;

— ахборот ресурслари, хизматлари ва ахборот технологиялари бозорини шакллантиришга қўмаклашиш;

— дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва уни рағбатлантириш; — тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, инвестициялар жалб этиш учун қулай шароит яратиш;

— кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, илмий тадқиқотларни рағбатлантириш.

Бугунги кунда мамлакатимизда ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш имкониятларини кўзда тутувчи норматив-ҳуқуқий база тақомиллаштирилиб келинмоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги "Компьютерлаштириш янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги Фармонида ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантириш, иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида замонавий ахборот технологиялари, компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларини оммавий равишда жорий этиш ҳамда улардан фойдаланиш, фуқароларнинг ахборотга ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондириш, жаҳон ахборот ҳамжамиятига қириш, жаҳон ахборот ресурсларидан баҳраманд бўлишни кенгайтириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш каби масалалар мақсад қилиб олинган. Мазкур Фармонда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳамда уларнинг замонавий тизимларини жорий этишнинг биринчи галдаги энг муҳим вазифалари белгилаб берилди.

Ушбу Фармонни бажариш юзасидан ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида стратегик устувор вазифаларни амалга оширишга доир амалий чора-тадбирларни таъминлаш мақсадида 2002 йил

6 июнда Вазирлар Маҳмасининг "Компьютерлаштириш янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори эълон қилинди. Мазкур қарор билан компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастури тасдиқланган бўлиб, мазкур дастур замонавий техник инфратузилмани ривожлантиришнинг жадаллаштириш, компьютерлаштириш, мамлакатимизда дастурий маҳсулотлар индустрияси ва экспортини ривожлантиришнинг рағбатлантириш, юқори малакали кадрлар потенциалини тайёрлаш, қонунчиликни тақомиллаштириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича шарт-шароитлар яратишга қаратилди.

Ахборот технологияларининг ривожланиш жараёнида электрон шаклдаги маълумотлар бўйича ижтимоий муносабатларни тартибга солишда "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги, "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги, "Электрон тижорат тўғрисида"ги ва "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"ги Қонунлар муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўлиб хизмат қилмоқда.

Вазирлар Маҳмасининг "Электрон рақамли имзодан фойдаланишнинг норматив-ҳуқуқий базасини тақомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори юқоридаги қонунларнинг бажарилишини таъминловчи ташкилий-ҳуқуқий механизмларни белгилаб берди.

Вазирлар Маҳмасининг "Ахборотлаштириш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани тақомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори билан "Давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ва Давлат органларининг ахборот тизимларини ташкил этиш тартиблари тўғрисида"ги Низомлар тасдиқланди.

Бугунги кунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг асосий фаолият йўналишлари бўйича уларга юқлиган вазифаларнинг кенг қўлама бўлишини ҳисобга олиб, фаолиятни ахборот билан таъминлаш жараёнини тўғри ташкил этиш жуда муҳим ҳисобланади. Зеро, бу ҳол давлат органларини фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини таъминлаш борасидаги ҳолатни тавсифловчи тўлиқ ва ишончли ахборот билан таъминлашга имкон яратди.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишга прокуратура органларида ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, бугунги кунда прокуратура органларининг қонунчилик тарғиботи фаолиятида ахборот технологияларини кенг қўллаш ҳамда фаолиятга ошқоралик бериш борасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурининг тегишли буйруғига мувофиқ, Бош прокуратуранинг расмий сайти рўйхатдан ўтказилиб, ишга туширилган. Бундан ташқари, Бош прокуратура ҳузуридаги Департамент

органларида ягона ахборот-компьютер тармоғи ва солиқ-валюта қонунчилигини бузиш билан боғлиқ жиноятлар ҳамда ҳуқуқбузарликларга оид маълумотлар базаси яратилиб, мазкур тизим самарали фаолият кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, жамиятда ахборотлаштириш соҳасидаги муносабатларнинг кенгайиши билан бир қаторда, мамлакатимизда ахборотлаштириш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган янги ижтимоий муносабатлар — ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳам долзарб масалалардан бирига айланди ҳамда мамлакатимизда қабул қилинган қонун ҳужжатларига ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасидаги халқаро стандартлар талаблари киритиб берилмоқда.

Шу ўринда ахборот хавфсизлиги тушунчасини таҳлил қиладиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасининг "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ, ахборот хавфсизлиги ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлат манфаатларининг ҳимояланганлигини билдиради. Шахсининг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

— шахсининг ахборотдан эркин фойдаланиши учун зарур шароитлар ва кафолатларни яратиш;

— шахсининг шахсий ҳаётига тааллуқли сирларини сақлаш;

— шахсини ахборот воситасида қонунга ҳилоф равишда руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳимоя қилиш.

Шахсининг ахборот хавфсизлигига дахл қилганлиги учун жавобгарлик нормаларини қўллаш ахборот хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу босдан, мамлакатимизда 2007 йилда "Ахборотлаштириш ва маълумотлар узатиш соҳасида қонунга ҳилоф ҳаракатлар содир этганлик учун жавобгарлик қўйилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, фуқаролар, жамият ва давлатнинг ахборот хавфсизлигини бузиш билан боғлиқ қилмишлар учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик нормалари тақомиллаштирилди.

Мамлакатимиз қонунчилигида мазкур нормалар ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича илғор халқаро стандартлар талабларига мувофиқ келади. Хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 19-моддаси шахсининг ахборотдан эркин фойдаланиши учун зарур шароитлар ва кафолатларни яратишни кўзда тутиб, бунга қўра ҳар бир шахс эркин равишда ахборотларни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга.

Ахборот хавфсизлигининг

Фахри РАХИМОВ,
Бош прокуратуранинг
ОУК кафедраси бошлиғи
Жўрабек РАХМАНОВ,
Бош прокуратуранинг
ОУК ўқитувчиси

кейинги муҳим таркибий қисми бўлиши шахсининг ҳаётига тааллуқли сирларини сақлаш бўйича ҳам Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясида муҳим талаблар белгиланган.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, шахсий ҳаёт дахлсизлиги билан боғлиқ қоида дастлаб, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясида ҳуқуқий жиҳатдан мустақамланган бўлиб, хусусан, унинг 12-моддасида шундай дейилади: "Ҳеч кимнинг шахсий ва оилавий ҳаётига ўзбошимчилик ва ноқонуний тарзда аралашуш, унинг уй-жойи дахлсизлиги ва ёзишмалардаги сирларига ўзбошимчилик ва ноқонуний тарзда таъвоуз қилиш ва унинг ор-номуси ва шаънига таъвоуз қилиш мумкин эмас. Ҳар бир инсон худди шундай аралашув ёки таъвоузлардан қонун орқали ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга".

Шахсининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасидаги муҳим талаблар 1966 йилда қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактининг бир қатор нормаларида ҳам ўз аксини топган.

Пактининг 19-моддасига қўра, ҳар бир инсон ўз фикрини эркин баён этиш ҳуқуқига эга бўлиб, бу ҳуқуқ давлат чегараларидан мустақил ҳолда ёзма равишда ёки матбуот воситасида ёки ифодалашнинг бадийи шакллари ёки ўз ихтиёрига қўра бошқача усулларда турли ахборот ва ғояларни қидириш, олиш ва тарқатиш эркинлигини қамраб олади.

Халқаро миқёсда ўтаётган халқаро анжуманларда ҳам ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Жаҳон халқаро тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, давлат миқёсида ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантириш соҳасидаги муаммолар ахборот ресурсларини бошқариш, бу соҳадаги аниқ ва равшан стратегияни ишлаб чиқиш каби вазифалардан ташқари, ушбу муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларини яратиш, замон талабларидан келиб чиқиб, уларни тақомиллаштириш каби масалалар бугунги кунда долзарб бўлиб турибди.

Хулоса ўрнида айтдиган бўлсак, ҳозирги кунда замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиб бориши иқтисодиёт, таълим, фан ҳамда бошқа соҳаларда фаолият самардорлигини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, ахборот технологияларининг ривожини жараёнида ахборот хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ қонун ҳужжатларини халқаро стандартлар, хориж тажрибаси ва миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда тақомиллаштириб бориш лозим бўлади.

Сохта муҳр ортидаги қинғирликлар

Умид НОРКУЗИЕВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг Тошкент
шаҳар бошқармаси бош суриштирувчиси

Одамзоднинг табиати қизиқ, баъзи инсонлар борки, бой бўлгани сайин, кўнган янада кўпроқ бойлик топишни тусайверади. Охир-оқибатда эса, бундай очқўзлик туфайли жиноятнинг боши берк кўчасига кириб қолади.

Фуқаро Ҳақимжон Қаюмов (исм-фамилияси ўзгартрилган) ҳам шундай инсонлар сира-сидан экан. У 2009 йилда Тошкент шаҳар Учтепа туман ДСИдан тижорат фаолияти учун мўлжалланган маҳсулотларни олиб килувчи якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиб, "Савдогар банк"нинг Зангиота тумани филиалидан асосий ва иккиланччи ҳисоб рақамлар очди. Шундан сўнг у тумандаги Тошкент халқа йўли бўйида жойлашган "Чигатой Оқтепа" МЧЖда ижара шартномаси билан чакана савдо фаолияти кўрсата бошлайди.

Ҳ.Қаюмов тахта ва ёғоч маҳсулотларни билан савдо қилган. Бу кимса терговда аниқлашнинг имкони бўлмаган шахслар билан жиноий тил бириктириб, қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда хориждан республикага ёғоч, тахта ва бошқа қурилиш моллари олиб келган.

Яъни у номига очилган "Viza" халқаро тўлов пластик картчасидан тўлов ўтказилганлиги тўғрисида АТ "Саноат қурилиш банки" Чилонзор филиали номидан қалбаки маълумотномани тақдим этиб, юк декларацияларини расмийлаштирган. Инсофсизлик ҳам шунчалик бўладими, Ҳ.Қаюмов бундай қалбаки ҳужжатларни яна бир неча мартабоа бохона идораларига тақдим этиб, 2009 йилнинг январидан 2012 йилнинг августига қадар, жами 539,8 минг АҚШ доллари миқдоридagi маҳсулотларни импорт қилганлиги маълум бўлди. Гўёки, унинг пластик картчасидан маҳсулот хариди учун сарфланган пуллари ОАИТБ "Ипак йўли банки"нинг Чилонзор тумани филиалидан ўтказилган эди. Тергов жараёнида эса, ушбу банкда Ҳ.Қаюмовнинг ҳеч қандай ҳисоб рақами йўқлиги аниқланди. У маъмур банкнинг бурчакли штампи ҳамда юмалоқ муҳри-

ни қалбакилаштириб, ҳужжатларни сохталаштираверган экан.

Шунингдек, Ҳ.Қаюмов бозорда нақд пулга сотган маҳсулотларининг тушумини банкка инкасса қилиш кераклигини билгани ҳолда, бунга амал қилишни истамаган. У тадбиркорлик фаолияти даврида 899 млн. 933 минг сўмдан ортқ пул маблағларини банкка топширмадан республикамизнинг бу борадаги бир неча қонун ва ҳужжатларини қўпол равишда бузиб келган.

Ҳ.Қаюмовнинг қилишларини қўриб қиққан жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман суди қонунларимизни менсимасдан бу кимсага, нисбатан ҳукм чиқариб, адолатли жазо тайинлади.

Қиқир ишининг қийғи қиқ йилдан кейин ҳам фош бўлади, деганларидек, ҳозирда эгри йўлга кириб, ноқонуний даромад орттирмакчи бўлганларнинг қилишлари тез кунда фош бўлмоқда. Шунинг учун ҳам, ҳалол даромад топишни ният қилиб, бунга амал қилган тадбиркор ҳеч қачон қўқилмайди. Чунки, бундай давлатимиз муҳофазасидир.

Педагог шаънига доғ

Мамлакатимизда ҳукуматимиз томонидан таълим тизимига катта эътибор берилмоқда.

Ҳозирда ночор аҳволаги мактаб биноси қолмади ҳисоб. Ҳар йили бюджетдан капитал реконструкция, таъмирлаш, қайта тиклаш, спорт заллари қуриш учун кўлаб маблағлар ажратилмоқда. Бу ишда саховатпеша ҳомийлар ҳам четда турмаяптилар.

Мактабларнинг раҳбар лавозимларига кадр танлашда пухта ўйланган усул амалга оширилади, ошкоралик таъминланади. Бирок раҳбар тайинлаш жараёнида баъзи кимсалар орага суқилиб, пул ишлаб олиш, товламачилик қилишга ҳам қўл урадилар. Туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимида турли лавозимларда ишлаб келган Фуқатбек Тўхтасев ўтган йилнинг май ойида мудири ўринбосарлигига тайинланди-ю, ўзини ғалати тутадиган бўлиб қолди. Баъзи ҳолларда бўш ўринларга кадр танлаш ҳақида шамга гаплари айтиладиган одат чиқарди. Август ойида 44-умумтаълим мактаби директори Азизилло Абдукаримов унга телефон орқали мурожаат қилди.

— Алло, Фуқатжон, бир илтимос билан кўнғирок қилияман.

— Эшитаман, гапираверинг, — деди Фуқатбек.

— Ўзингизга маълум, мен узоқдан катнаб ишлайман. Уйимга яқинроқ бўлган 20-мактаб директори пенсияга чиқаётган экан, шунинг ўрнига мени алмаштириб қўйишни мудири билан гаплашиб берсангиз.

— Гап бўлиши мумкин эмас, — деди Фуқатбек бир нарсаларни хаёл қилиб. — Бошлиқ билан келишиб, сизга маълум қиламан.

Фуқатбек бошлиқ билан гаплашганида у: "Ав-

Дилшодбек МИРЗАЕВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг Андижон вилоят
бошқармаси матбуот гуруҳи катта инспектори

вал директор пенсияга чиқсин, ишни топшириш ҳақида ариза берсин, кейин масалани қўриб чиқамиз", деди.

Фуқатбек эса ўз навбатида Азизилло билан суҳбатлашиб, раҳбарга 200 АҚШ доллари бериши лозимлигини айтди. "Ишим шу билан битса бўлди-да", деган ўй билан Азизилло айтилган пулни Фуқатбекка берди. Бирок 20-умумтаълим мактаби раҳбарлигига бошқа номзод лозим топилди. Шундан сўнг Азизилло маблағни қайтариб бериши талаб қилди. Иши олға силжимагач, мудирга учради. Мудир жиддий оҳангда унга танбех берди:

— Бу машмашалардан беҳабарман, кимга нима берган бўлсангиз, ўзингиз қайтариб олиш ҳаракатини қилинг, мактаб директори лавозимига вилоят раҳбарияти билан келишиб кадр танланади. Бундан кейин бундай ноқонуний ишларга бошингизни суқманг.

Чорасиз қолган Азизилло тегишли органлар ходимларига учради. Шундан кейин товламачилик йўли билан 200 АҚШ долларини олган Фуқатбек пулни эгасига қайтариб бераётганда қўқунчи муҳофиза қилувчи орган ходимлари томонидан ушланди.

Жиноят ишлари бўйича Андижон туман суди бу ишни қўриб чиқиб, уни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбдор деб топи ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2012 йил 5 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарори 2-бандига асосан жазодан озод қилди.

Ўзбошимча «оҳакчи»

Жиззах туманида яшовчи Бахтиёр Қўзиёв ўтган йили ҳам газга ноқонуний улашиб, фойдаланганини учун маъмурий жавобгарликка тортилган эди. Бироқ бундан ўзига етарли хулоса чиқармаган йигит яна шундай жиноятга қўл уради.

Тегишли тартибда давлат органларидан рўйхатдан ўтмай, қонунга хилоф равишда тадбиркорлик билан шуғулланиб келган Б.Қўзиёв "Жиззахтумангаз" филиали билан ҳеч қандай шартнома тўзмаган ҳолда газ тармоғига улашиб олди-да, қўлбола усулда ясалган печда оҳак маҳсулотларини

ни ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Қўза кунда эмас, кунда си-нади, деганлари тўғри экан. Кунларнинг бирида унинг ҳовлиси ҳўқўқни муҳофиза қилувчи ва назорат органлари ходимлари ҳамда ҳолилар иштирокида кўздан кечирилганда, унинг ноқонуний қилишлари ошкор бўлди. Ҳеч қандай ҳуж-

жат кўрсата олмаган Бахтиёр ай-бани тан олди.

Ҳўқўқбузар ўзбошимчалик билан давлат манфаатларига умумий ҳисобда 8 млн. 110 минг сўм миқдоридан зарар етказган экан. Суд Бахтиёр Қўзиёвни айбига яраша жазоланди. Шунингдек, "Жиззахтумангаз" филиали фойдасига 8 млн. 110 минг сўм ундириладиган бўлди.

Шохрухбек СОЛИЕВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг Жиззах
шаҳар бўлими катта инспектори

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг барчаси инсон, унинг ҳўқўқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашга, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилишга қаратилган.

Огоҳ бўлинг, одамлар!

Ахат ИБРАГИМОВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг Сирдарё вилоят
бошқармаси бўлим инспектори

Бирок, одам савдоси деб аталувчи иллат борки, у инсоннинг эркинлиги, тенглиги ва шахсий дахл-сизлигига путур етказиши, уни турли ҳўрлик ва камситишларга дўчор этади. Зотан, одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг жамиятимизга олиб келиши мумкин бўлган салбий оқибатларини чуқур англаган ҳолда, ўтган йиллар мобайнида республикамизда бундай жиноятларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Шунга қарамасдан, айрим нопок инсонлар мўмай даромад илнжидида бошқа фуқароларга нисбатан куч билан таҳдид қилиш, мажбурлаш ёки қирибгарлик йўллари билан хориж давлатларига олиб бориб, уларни одам савдоси қурбонига айлантиришмоқда.

Бу иллатнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти органлари томонидан самарали тадбирлар олиб боришмоқда.

Департаментнинг Сирдарё вилоят бошқармаси тезкор ходимлари томонидан олиб борилган тадбирда, одам савдосини ўзининг даромад манбаига айлантирган кимсалардан бири — Олимжон Тешабоевнинг (исми-фамилияси ўзгартрилган) ноқонуний ҳаракатлари фош қилинди.

У мўмай даромад топишни қўлаб, ўзи яшаб келаётган Оқолтин туманидаги фуқаролар А.Каримов ва А.Абдуллаевларни Россия Федерациясининг Оренбург шаҳрида ойига 500 АҚШ долларидан оҳ берадиган иш бормлигини айтиб, уларни алдаб, Оренбург шаҳрига чақириб олади. Кейин эса, яхши даромадли иш бошлашга қадар бошқа жамоат қурилиш ишлари билан шуғулланиб туришни айтиб, уларни оғир қурилиш ишларида ишлашга мажбур қилиб, ойлик маошларини бермаган.

Маъмур ҳолат бўйича О.Тешабоевга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, суд томонидан унга нисбатан тегишли жазо тайинланди.

Инсон шаъни, қадр-қиммати ҳўрмат ва эъзозга лойиқ. Зеро, инсоний қадриятларни топташга уринган ҳар қандай шахсга қонун олдида жавобгарлик муқаррардир.

Ноқонуний ёғ маҳсулотлари

Акмалжон МАДРАҲИМОВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг Учқўприк туман бўлими суриштирувчиси

"Ноқонуний иш — келтирар тавиш", дея бежиз айтилмаган. Рафиқ Олимов ана шу нақл магзини кеч англаб етди. Унинг ҳеч қаерда ишламай, бекорчиликда кўча айланиб юриш жонига тегди. Хаёлига "тадбиркорлик" билан шуғулланиш "ғоя"си келди. "Шунча одам ишлаяпти, мен эплай олмайманми", дея ишга шўнғиди. Аммо, баракали даромад ҳалол ва покликда. Р.Олимов эса бунинг аксини танлади.

Рафиқ Олимов Наманган вилояти Ғурумсарой қишлоғида яшовчи номаълум шахс билан тил бириктириб, жиноий ишга қўл урди. Наманганлик шеригидан 3600 кг. (баҳоси 2 млн. 880 минг сўмлик) пахта чигити сотиб олиб, ундан қонунга хилоф равишда ёғ ишлаб чиқара бошлади. 5 миллион сўмга ёғ ишлаб чиқариш дасттохи сотиб олгач, бизнеси "гуллаб-яшнади". Шу йилнинг апрель ойидан ёғ ва кунжара ишлаб чиқариб, пуллашга киришди.

Департаментнинг туман бўлими, ДСИ ва ИИБ ходимлари томонидан Учқўприк тумани Мирзахўжа қишлоғида тадбир ўтказилганда, Р.Олимовнинг яшаш хонадонидан 1 донга ёғ ишлаб чиқариш дасттохи, 2665 кг. пахта чигити, 90 литр пахта ёғига ўхшаш суяклик, жами 7 турдаги товар-моддий бой-ликлар ашёвий далил тариқасида олиб қўйилди.

Р.Олимов айбига иқдор бўлиб, 2012 йилда чигит ва мева данаклари магзидан ёғ ишлаб чиқариб сотгани, шу йилнинг март ойида наманганлик номаълум шахсдан пахта чигитини сотиб олгани, апрель ойидан бошлаб ёғ ва кунжара ишлаб чиқарганини айтиб, қилимишдан пушаймонлигини билдириб, суддан енгиллик беришни сўради.

"Қўкон ёғ-мой" ОАЖнинг хулосасига қўра, Р.Олимовдан олинган кунжара маҳсулоти чорва учун озука ем сифатида истеъмолга яроқсиз эканлиги, Фаргона вилояти ДСЭНМ хулосасига мувофиқ, судланувчидан ашёвий далил тариқасида олинган пахта ёғи давлат андозаси талабларига мос келмаслиги, истеъмол учун яроқсизлиги тасдиқланди.

Суд ҳукми билан Рафиқон Олимовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддаларига асосан энг кам ойлик иш ҳўқининг 100 баравари миқдоридида жарима жазоси тайинланди.

Иқтисодиётни либераллаштириш чўқурлаштириш унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш йўлида

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар бошқа соҳалар билан бир қаторда, бозор иқтисодиётининг асосий ривожлантирувчи омили бўлиш тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва фаолият эркинлигини таъминлашга қаратилмоқда. Соҳага оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш натижасида яратилаётган имкониятлар мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш, уларнинг юртимиз иқтисодий-иқтисодий таъриқийтадаги мавқеини оширишга йўналтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонуналик палатаси томонидан 2013 йил 31 июлда қабул қилинган, Сенат томонидан 2013 йил 22 августда маъқулланган ҳамда шу йилнинг 8 октябрида эълон қилиниб, кучга кирган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан мамлакатимизнинг иқтисодий-иқтисодий ривожланиш соҳасига доир қонунларга муҳим ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Мазкур қонуннинг ўзига ҳос жиҳати шундаки, унга кўра, Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси ва "Ҳўжалик юретишчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги Қонуни тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳуқуқларининг устуворлиги принципини назарда тутиб янги норма билан тўлдирилди. Яъни қонун ҳужжатларида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзга келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва но-аниқликлар тадбиркорлик субъектининг фойдасига таъкин этилиши белгилан кўйилди. Бу, шубҳасиз, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларнинг юртимиз иқтисодий-иқтисодий таъриқийтадаги мавқеини оширишга хизмат қилади.

Мазкур қонун билан Божхона кодексига киритилган янгиларни мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштириш янада чўқурлаштиришга қаратилган ислохотларнинг мангитқий давомий сифатида мамлакатда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни янада кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш талабидан келиб чиққанлигини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги "Ки-

чик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қўлай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига солиқ, божхона ҳамда бошқа тўловлар бўйича тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш ва унинг самарадорлигини оширишга қўмақлашадиган қўшимча имтиёз ҳамда преференциялар бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятда кенг иштирок этиши учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг маҳсулотларини ташқи бозорларга олиб чиқишга қўмақлаш, экспорт шартномаларини рўйхатдан ўтказиш жараёнини ҳамда умуман божхона маъмуриятчилигини содда-лаштириш ва либераллаштириш асосий вазифалардан этиб белгиланган эди.

Айнан юқоридаги вазифалардан келиб чиқиб, божхона назоратини амалга ошириш жараёнида қонунийликка риоя қилинишини кафолатлаш, ушбу жараёнда товар эгаларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган муҳим нормалар Божхона кодексининг 51-моддасида ўз аксини топди.

Хусусан, мазкур модда янги таҳрирда баён этилиб, унинг биринчи қисмига кўра, божхона органлари товарлар чиқишига рухсат берилганидан кейин, агар қонун ҳужжатлари бузилганлиги ҳақида таҳмин қилиш учун етарли ва тасдиқланган асослар мавжуд бўлсагина божхона назоратини амалга оширишга ҳаққи эканлиги белгиланиди. Муқаллам бу каби божхона назоратидан ўтказиш учун қонун ҳужжатлари бузилган деб таҳмин қилишга асослар мавжуд бўлишининг ўзи етарли эди. Эндиликда товарлар чиқишига рухсат берилганидан кейин божхона назоратини амалга ошириш учун қонун ҳужжатлари бузилганлиги ҳақида таҳмин қилишга етарли ва тасдиқланган асослар мавжуд бўлиши талаб этилади.

Юрбошимизнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қўлай ишбилармонлик муҳитини шакл-

лантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида божхона назорати мuddатини уч йил мuddат билан чеклаш, шунингдек, товарлар божхона назоратидан ўтказилгандан бир йил кейин, божхона тўловларини қўшимча ҳисоблашни таъқиқлаш вазифаси белгиланган эди. Ўз навбатида божхона назоратини амалга ошириш жараёнида қонунийликка риоя қилинишини кафолатлаш, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кафолатлаш мақсадига Божхона кодексининг 51-моддаси аввалги таҳрирдан фарқли равишда қуйидаги унчинчи қисм билан тўлдирилди. Унга кўра, товарлар чиқишига рухсат берилганидан кейинги божхона назорати товарлар чиқишига рухсат берилган пайтдан эътиборан уч йил мобайнида, божхона тўловларини қўшиб ҳисоблаш эса товарлар чиқишига рухсат берилган пайтдан эътиборан бир йил мобайнида амалга оширилиши мумкинлиги, товарлар чиқишига рухсат берилганидан кейинги божхона назорати айни бир битим бўйича қўйи билан бир марта амалга оширилиши мумкинлиги белгиланди.

Таъкидлаш керакки, мазкур қонун билан Божхона кодексига киритилган ҳар бир ўзгариш ва қўшимча мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий ривожлантирувчи омили бўлиш тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва улар фаолияти эркинлигини таъминлашга қаратилган, десак муболаға бўлмайди. Масалан, Божхона кодексининг 112-моддаси иккинчи қисми таҳрири ўзгариштирилди, ундаги "тўланмаган божхона тўловлари, тўланмаганлик факти қачон аниқланганлигидан қатъи назар, ундирилиши лозим" деган қисмда "Божхона тўловларини қўшиб ҳисоблаш товарлар чиқишига рухсат берилган пайтдан эътиборан бир йил мобайнида амалга оширилиши мумкин. Бунда юридик шахслар божхона органига хабарнома юзюриб, текширувлар натижалари бўйича қўшимча ҳисобланган божхона тўловлари суммаларини, шунингдек молиявий санкциялар суммаларини тўлашни ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти ой мобайнида тенг улушларда амалга оширишга ҳақли" деган сўзлар билан алмаштирилди. Шунингдек, мазкур модданинг унчинчи қисмида белгиланган қарздорлик вақти учун ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сўзсиз тартибда ундириладиган пенянинг фоизи ўзгариштирилиб, бокиманда суммасининг 0,05 фоиз миқдоридан 0,033 фоизга камай-тирилди. Бу эса мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш, бозор ислохот-

ларини либераллаштириш ва чўқурлаштириш йўлидан жадал ҳаракат қилиш, тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва ювларни бартараф этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиётидаги роли ва улушини оширишга хизмат қилади.

"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан Божхона кодексига киритилган навбатдаги ўзгариш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги Фармонида белгиланган юридик шахслар учун солиқ ва бошқа мажбурий тўловларини ҳисоблаш билан боғлиқ бўлмаган санкцияларни бекор қилиш вазифасидан келиб чиқади. Маълумки, Божхона кодексининг "Юридик шахсларнинг жавобгарлиги" деб номланувчи 131-моддаси биринчи қисмида юридик шахслар ва юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларга нисбатан ушбу кодексининг 137, 139, 144-146, 151-154, 156-159, 161-169, 171 ва 172-моддаларида назарда тутилган қонунбузарликлар учун мазкур кодекснинг 132-моддасида назарда тутилган жарималар (иқтисодий жазо чоралари) ва бошқа жазолар қўлланилиши назарда тутилган эди. Юқорида назарда тутилган божхона соҳасига оид қонунбузарликлар учун жавобгарликни белгилувчи моддалар бир вақтнинг ўзида мамлакатимиз Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексидан ҳам мавжуд бўлиб (227-2, 227-4, 227-8, 227-9, 227-13, 227-14, 227-15, 227-16, 227-17, 227-18, 227-19 ва 227-27-модда), унда ушбу қонунбузарликлар учун муайян жавобгарликлар назарда тутилган. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, шу йилнинг 8 октябрида эълон қилиниб, кучга кирган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда назарда тутилган юқоридаги нормаларга ҳам ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Бу эса, шунга мувофиқ Божхона кодексига ҳам

ўзгариш киритилишига олиб келиди ва унга кўра, ушбу кодекснинг 131-моддаси биринчи қисмидаги "137, 139, 144-146, 151-154, 156-159, 161-169, 171 ва 172" рақамлари "161-169" рақамлари билан алмаштирилди, яъни Божхона кодексининг 137, 139, 144-146, 151-154, 156-159, 171 ва 172-моддаларида белгиланган қонунбузарликлар учун жазо белгилан ушбу кодексдан чиқариб ташланди. Шу ўринда таъкидлаш керакки, киритилган ушбу ўзгариш ўхшаш муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонунларни унификация қилишга ҳам имкон берганлигини таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига киритилган юқоридаги ўзгаришлар, ўз навбатида мазкур кодексдаги айрим нормаларга ҳам ўзгариш ва қўшимчалар киритилишига олиб келди. Хусусан, мазкур кодекснинг "Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг малака аттестати" деб номланган 73-модданинг еттинчи қисми тўртинчи хатбошидаги "145, 146" рақамлари, шунингдек, мазкур қисмининг бешинчи хатбошидаги "ушбу Кодекснинг 171-моддасида" деган сўзлар чиқариб ташланди. Шунингдек, 164-модда биринчи қисмининг диспозициясидаги "159" рақами чиқариб ташланди.

Хулоса ўрнида шунини алоҳида қайд этиш жоизки, "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан Божхона кодексининг такомиллаштирилишига ва ўхшаш муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонунларни унификация қилиш, божхона назорати жараёнида қонунийликни мустаҳкамлаш, божхона назорати жараёнини енгиллаштириш имконини беради. Шунингдек, энг асосийси, юридик шахслар ва юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларнинг фаолияти учун кўпроқ эркинликларнинг белгиланиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожлантириш йўлидаги ортқича бюрократик тўсиқ ва ювларга барҳам беришга хизмат қилиб, мамлакатимизда демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштириш янада чўқурлаштириш борасидаги олдинда турган вазифаларнинг самарали бажарилишига замин яратди.

Ҳуқуқбузарликларга қарши курашишнинг қонуний асоси кучайтирилади

[Давомий. Бошланғич 4-бетда]

Ўзбекистон Республикасининг "Ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонуни лойиҳасида қуйидагилар назарда тутилмоқда:

- ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг мақсади, вазифалари, принциплари ва асосий йўналишлари;
- ҳуқуқбузарликлар профилактикаси билан боғлиқ асосий тушунчалар;
- ҳуқуқбузарликлар профилактикаси асосий субъектларининг рўйхати ва уларнинг вазифалари;

- умумий, махсус, яқна тартибдаги ва виқтимологик чораларни ўз ичига қамраб олган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чораларининг тизими ва уларни амалга ошириш тартиби;

- ички ишлар идораларининг профилактик ҳисоби амалга оширилаётган шахслар тоифаси ҳамда уни амалга ошириш асослари ва тартиби;

- ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;


- ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг мажбуриятлари ва жавобгарлиги;

- ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг кафолатланиши;
- ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг фаолиятини молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш масалалари.

Бундан хулоса қилиш мумкинки, қонун лойиҳасининг қондалари жиноятчиликка қарши кураш, жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги амалдаги қонунчиликни модернизация қилишга қаратилган. Ишлаб чиқилган лойиҳа давлатнинг демократик ис-

лохотларини янада чўқурлаштириш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш стратегиясига уйғун бўлиб, миллий ҳавфсизликка нисбатан юзга келадиган янги таҳдидлар ва ҳавф-хатарларнинг олдини олишга хизмат қилади. Ўз навбатида, қонуннинг қабул қилиниши давлат тузилмалари билан турли жамоатчилик институтлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлигининг барча босқичларида уларнинг механизмини такомиллаштириш имконини беради, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида қўлланиладиган чораларнинг тизимлиги ва тартиблигини мустаҳкамлайди.

Ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш принциплари



Мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунлариданоқ фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга катта эътибор қаратилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси биринчи ўринга қўйилиб, давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Шу асосда суд-ҳуқуқ ислохотларининг бош мақсади ҳам инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашга қаратилди.

Конституциянинг 22-моддаси Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳимойилик кўрсатишни кафолатлайди. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари Конституциянинг X бўб 43-46-моддаларида ифодаланган.

Мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг бош мақсади — умумэтироф этилган қоидаларни ҳурмат қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашга қаратилган. Мисол учун, қонун талабига кўра, сўроқда гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи ҳимояланиш ҳуқуқига эга (Ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш принциплари. ЖПКнинг 24-моддаси).

Ҳимояланиш ҳуқуқидоқ суриштирувчи, терговчи, прокурор суд зиммасидаги гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчига унга берилган ҳуқуқларни тушунтириб бериш ҳамда у ўзига қўйилган айбловдан ҳимояланиш учун қонунда назарда тутилган барча восита ва усуллардан фойдаланишда ҳақиқий имкониятга эга бўлишга қаратилган чора-тадбирлар қилиш мажбурияти таъминланади. Бу конституциявий талаб, яъни Асосий Қонуннинг 26-моддаси "Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилиши"ни кафолатлайди.

Қонун талабига кўра, судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади, бу талаб дастлабки тергов босқичига ҳам тааллуқли бўлиб, гумон қилинувчи шахсга бу ҳуқуқдан фойдаланиш имкониятини беради.

Ушбу принципга риоя этилиши:

1. Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи жиноят процессининг иштирокисини сифатида бир қатор процессуал ҳуқуқларга эга бўлишга ва ўзларига қўйилган айбловдан ҳимояланиш учун ўзини ўзи муваффақиятли идора қилиш ва қонуний манфаатларини ҳимоя этишга имкон беради.

2. Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ҳимоячи ёрдамидан фойдаланиш, баъзи ҳолларда эса ҳимоячининг иштироки зарур бўлиб қолганда бу ёрдамни қонун асосида бевосита олишга имкон беради (ЖПКнинг 51-моддасида қайд этилган жиноят ишларида ҳимоячининг иштироки этиш шарт).

3. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд эса, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчига унинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиришга мажбур бўлиб, уларга ҳимояланиш ва манфаатларини, шахсий ҳуқуқ ва моддий ҳуқуқларини идора қилиш учун шароитлар яратиб беришлари лозим.

Қонунга кўра (ЖПКнинг 24, 64-моддалари), жиноят ишини юритишга масъул барча давлат органлари ва мансабдор шахслар (суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья) гумон қилинувчига, айбланувчига унинг ҳуқуқларини тушунтиришлари ва ўзига тегишли ҳимоя ҳуқуқидан амалда фойдаланиш учун реал шароит яратиб беришлари шарт.

Гумон қилинувчи, айбланувчи зиммасига кўрсатув бериш мажбурияти юкланиши мумкин эмас, ўз айбисизлигини ёки иш бўйича бирор-бир ҳолатни исботлаш масъулиятини юклашга ҳам йўл қўйилмайди. Қонунга асосан бундай мажбурият жиноят ишини юритишга масъул давлат органлари мансабдор шахсларининг зиммасига юклатилган.

Айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этишнинг имкони бўлмаса, гумон қилинувчи, айбланувчи фойдасига ҳал қилиниши керак. Қонунни қўллашда қилиб чиққан ҳар қандай шубҳа ҳам унинг фойдасига ҳал этилади.

Суд тарафларга процессуал ҳуқуқларни амалга ошириш йўли билан ўз нуктаи назарларини ҳимоя қилиш учун тенг имконият яратиб бериши керак.

ЖПКнинг 49-моддасига мувофиқ, шахсга айб эълон қилинган вақтдан бошлаб ёки гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги қарор унга маълум қилинган ёхуд у ушланган пайтдан бошлаб ишда ҳимоячининг иштироки этишига рухсат берилади.

Гумон қилинувчининг, айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқини реал таъминлаш мақсадида шахс ЖПКнинг 221, 227-моддаларида назарда тутилган тартибда ушланган ёки эътиёт чораси сифатида қамоққа олинган (ЖПК 242-модда) ҳолларда жиноят ишини юритишга масъул давлат органларининг мансабдор шахслари мажбур сақланаётган жой ҳақида унинг яқин қариндошларига ёки унинг илтимосига кўра бошқа шахсларга, вояга етмаган тўғрисида эса, шунингдек, қонуний вакилига хабар бериши шарт.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ҳимоясини эркин танлаш ҳуқуқига эга ва иш юритувнинг исталган пайтида ҳимоячидан воз кечиши мумкин (бунга ҳимоячининг реал иштироки таъминланган ҳолдагина йўл қўйилади, бундай ҳолат уни кейинчалик ҳимоячи иштирок этишини талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди). Ҳимоячининг суд иши юритилаётган тилни билмаслиги ҳам унинг ишда иштирок этишига монелик қилмайди. Бу ҳолда у ЖПКнинг 20-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ таржимон билан таъминланиши керак.

Қонунга мувофиқ, ЖПКнинг 51-мод-

Темурхон АЛИЕВ,
Фарғона вилоят прокуратураси
бўлим прокурори

даси талабига риоя этмаслик жиноят-процессуал қонунни нормаларини жиддий бузиш деб ҳисобланади.

Жиноят иши юритишга масъул давлат органларининг мансабдор шахслари ЖПКнинг 50-моддаси тўртинчи қисми қоидаларига биноан гумон қилинувчини, айбланувчини ҳимоячига тўланадиган харажатлардан тўлиқ ёки қисман озод этиш чорасини кўриши мумкин.

Ҳимоячи ўз ҳимояси остидаги шахс иштирокида ўтказиладиган барча тергов ҳаракатларида қатнашишга ҳақлидир.

Агар гумон қилувчи, айбланувчи ушлаб турилган, қамоқда сақланаётган ёки тиббий муассасасига жойлаштирилган бўлса, ҳимоячи у билан қонунга кўра (ЖПКнинг 53-моддаси иккинчи қисми, 215-моддаси учинчи қисми) сони ва давомийлиги чегараланмаган ҳолда юзма-юз учрашиш ҳуқуқига эга (унинг учрашишига, ишда иштирок этишига рухсат берганлик ҳақидаги қарор (ажрим) асос ҳисобланади).

Агар маҳкумдан, оқланган шахсдан суд мажлиси баённомаси билан ҳимоячи иштирокида танишиш истаги борлиги тўғрисида ариза келиб тушган бўлса, суд бу ҳақда ҳимоячининг хабардор қилади, бу ҳуқуқдан фойдаланишлари учун имконият яратиб бериши керак.

Суд берилган шикоят ва билдирилган протестлар тўғрисида маҳкумларни, ҳимоячиларни ҳамда бошқа манфаатига тааллуқли бўлган шахсларни хабардор қилиши ҳамда протест ёки шикоятга эътироз бериш ҳуқуқини тушунтириши шарт. Маҳкумга, жабрланувчига, оқланган шахсга шикоят ёки протест нусхалари юборилади.

Суд ишни апелляция, кассация ва назорат инстанциясида қўрилиши кўни тўғрисида, қонун талабига кўра (ЖПКнинг 53-моддаси) маҳкумнинг ҳимоячисини ва қонуний вакилини хабардор қилиши шарт. Бу қонун талабининг бажарилмаслиги жиноят-процессуал қонун талабининг жиддий бузилиши деб ҳисобланади.

Суд ҳукмини ижро этиш билан боғлиқ масалаларни (ЖПКнинг 532-542-моддалари) ҳал қилишда манфаатдор тарафларнинг илтимосига мувофиқ ҳимоячининг қатнашишига йўл қўйилади. Вояга етмаган, жисмоний ёки руҳий қасалликлари чалинган маҳкумларга нисбатан ҳукмини ижро этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда ҳимоячининг иштироки этиши шарт.

Жиноят-процессуал кодексининг 50-моддасига асосан, юридик ёрдам учун ҳақ тўлашдан меҳнатга қобилиятсиз ва тўловга қурби етмайдиган шахслар, яъни қарамоғидаги ҳар бир шахсга тўри келадиган жами даромади энг кам иш ҳақининг ушбу масала қўрилаётган вақт учун белгиланган миқдоридан кўп бўлмаган, бинобарин, кам таъминланган фуқаролар озод қилинади.

Суд ҳар бир жиноят иши бўйича суриштирув, тергов олиб боришда, шунингдек, суд муҳокамаси даврида гумон қилинувчи, айбланувчига нисбатан ҳимоя ҳуқуқини таъминлашга оид қонун талабларига риоя қилинганини синчиклаб текшириши ва йўл қўйилган қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан хусусий ажрим чиқариш орқали муносабат билдиришлари шарт.

Мамлакатимиз бўйлаб амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ва унинг натижаси ўлароқ халқимиз ҳаётида рўй бераётган туб бурилишларни ҳозирда бутун дунё эътироф этмоқда. Бу эса давлатни бошқариш, уни тараққий эттириш, халқ фаровонлигини оширишда танлаган йўлимиз нақадар тўғри эканлигини далиллатадир.

Адолат қонун устуворлигида

Ж. МАДРАҲИМОВ,
Навоий маҳсус прокуратураси терговчиси
лавозимда иш ўргатувчи

Бугун жамиятимиз ҳаётида ва ҳар бир фуқаро тафаккурида мамлакат келажагига бўлган ишончнинг шакллантириш, хусусан, инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлаш энг муҳим вазифалардан ҳисобланади. Ана шу мақсадларда мустақилликнинг илк кунлариданоқ суд-ҳуқуқ ислохотлари босқичма-босқич, изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда. Натижада қонун устуворлигини, қонунийлигини, шахс ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашга, жиноят, жиноят-процессуал ва маъмурий қонунчиликни эркинлаштиришга, судга қадар иш юритиш босқичида суд назоратини мустаҳкамлашга. "Ҳабеас Корпус" институтини татбиқ этишга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Таъкидлаш жоизки, истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш йўналишида жиний жазоларни либераллаштириш масаласига шахсан Ўртобшмиш томонидан алоҳида эътибор берилмоқда. Олиб борилаётган ислохотлар, энг аввало, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини тўлақонли таъминлашга қаратилиши белгиланди. 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси ва Жиноят-процессуал кодексига ҳам инсон ҳуқуқлари, ҳаёти, соғлиғи, шаъни, қадриятлари, олий қадрият деб эътироф этилди. "Жиний жазоларни либераллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларида ўзгаришлар киритиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Ушбу қонунга кўра, жиноятларнинг таснифи ўзгаририлди, оғир ва ўта оғир турдаги жиноятларнинг 75 фоизи хавфи катта бўлмаган ва унга оғир бўлмаган жиноятлар гуруҳига киритилди. Қамоқ ва озодликдан маҳрум қилиш жазоларининг ўрнига жарима шаклидаги иқтисодий санкция киритилди, мол-мулкни мусодара қилиш жазоси жиний тизимдан чиқариб ташланди.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган қилиш учун моддий зарар қолганган тақдирда озодликдан маҳрум этиш жазосини қўлламаслик, иқтисодий жиноятлар ҳамда моддий зарар етказиш билан боғлиқ бошқа жиноятлар учун жарима тариқасидаги жазо чораларини қўллаш белгиланди. Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган аёлларга ҳамда 60 ёшдан ошган эркакларга белгиланадиган жазо энг кўп муддатнинг 3/4 қисминдан ортиқ бўлиши мумкин эмаслиги қайд этилди. 2008 йилнинг январидан бошлаб эса ўлим жазоси бекор қилинди.

Таъкидлаш жоизки, Ўртобшмиш томонидан илгари сурилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларда янги босқични бошлаб берди. Шунингдек таъкидлаш жоизки, жиний жазоларни либераллаштириш сиёсати инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, мамлакатда қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинч-тотувлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Бу эса ўз навбатида тинчлик ва барқарорлиқни таъминлаш, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш йўлидаги яна бир дадил қадамдир.

Ошкора қотиллик қиссаси

Колумбиялик ёзувчи Габриэль Гарсиа Маркеснинг шу номадаги асари бор. Аммо биз ушбу мақолада асар мазмунини ушбу тўхталмоқчи эмасмиз. Балки, Чирокчи туманининг Утамайли қишлоғида рўй берган воқеа баъзи бир жиҳати билан ана шу асар номини эслатишига ишора қилмоқчимиз.

Аслида жазирама ёз оқшомларидан бирида бўлиб ўтган мазкур фожиа нафақат асар номини эслатарди, балки у ҳақиқатдан ҳам ошкора қотиллик қиссаси эди.

Тўй баъзи охираб, қишлоқдошлар бирин-кетин уйларига тарқала бошладилар. Эсон Қобулов бошқаларга нисбатан эртaroқ қайтган ва ўзининг хонасидаги каравотида дам олиб ётарди. Ногоҳ ҳовли томондан кимнингдир сўкиниб, оғизга олиб бўлмайдиган ҳақоратли сўзларни айтиб келаётганини эшитиб, сергак тортиди. Ўрнидан туриб, ҳовлига чиқди ва укаси Акбарни кўрди. Бу пайтда соат тунги 11:00ларга яқинлашган бўлиб, хонадон аъзолари: Эсоннинг хотини Кундуз, фарзандлари Ойбек, Олим ва Нафиса ухлаб ётишарди, фақат ўғли Обид далага экилган тарвузларни суғориш учун кетган эди.

Тўйдан маст ҳолда қайтган Акбар акаси ва унинг ўғли Обиднинг исмини тилга олиб, "Онангин..." дея қаттиқ сўкинар ва акаси томон бостириб келарди. Эсон қўлига кетмонни олиб, укасига пешвоз чиқди. Ҳовлида бўлаётган бақир-қақирларни эшитиб, дарвозадан қишлоқдоши Келдиёр кириб келди. Аммо унинг ака-укаларни муросага келтириш йўлидаги ҳаракати бекор кетди. Эсон унинг елкасига бир мушт уриб, "Бор, аралашма!", деб дарвозадан чиқариб юборди. Акасининг кетмонни сермаб қилаётган ҳамласига қарамай, кайфи ошим қолган ука ортага қайтишни истамасди. Ниҳоят, у кетмон зарбидан ерга қулади. Эсон унинг қўл-оёғини ип билан боғлаб қўйиб, яна каравотига келиб ётди.

Орадан ярим соатлар ўтгач, Акбар ётган жойидан "Қўлимни ечиб қўйинг, ака", деб ялина бошлади. "Агар қўлингни ечиб қўйсам, уйимга бош-

қа қайтиб келмайманми?" деб сўради Эсон. Акбар қайтиб келмасликка ваъда берди, аммо орадан ярим соат ўтиб, яна ҳовлидан унинг ҳақоратлари эшитила бошлади. Эсоннинг судда кўрсатма беришича, укаси энди: "Ёки мен ўламан, ёки сен!", дея таҳдид қиларди. Қўлида пичоги бўлса керак, дея тахмин қилди ака ва яна унга қарши кетмонни ишга солди. Бу сафар Акбар тарвуз экилган жўяк ичига йиқилиб тушди. Унинг бошидан қон оқарди.

Тергов пайтида Эсон бу воқеаларга оила аъзолари аралашмаганилиги, улар ухлаб ётганилигини айтиб кўрсатма берган бўлса-да, аслида жанжалдан қўрққан аёли Кундузнинг оёқ-қўллари муздаб, ўзини ёмон ҳис қила бошлаган эди. Қишлоқ врачини чақиртиришга тўғри келди. Қишлоқ дўхтири Ориф Бадалов муолажани бошлади. Албатта, Эсон укаси Акбарнинг ярадор ҳолда ётганини шифокорга билдирмасликка ҳаракат қилди.

II

Туннинг қолган қисми ҳам бу хонадон учун нотинч ўтди. Акбар жўяк ичиди ҳамон инг-раб ётарди. Шифокор муолажани тугатиб чиқиб кетгандан кейин Эсон укасидаан хабар олиш учун унинг олдига бориб, фонарини ёқиб қаради. Чуккур ичиди ётган ярадордан садо чиқмади. У қимирламай ётарди. Эсон унинг қўлигидан олиб, чуқурдан тортиб чиқарди ва ҳовлидан ташқарига олиб чиқди. Уни уйи томон олиб борааркан, кўчада — укасининг дарвозаси яқинида ёйқилиб ётган мотоциклга кўзи тушди. Укасини мотоцикл ёнига ётқизиб қўйиб, келинини (Акбарнинг хотинини) чакира бошлади. Аммо ҳовлида ҳеч ким йўқ эди. Эсон укасининг ёнига қайтиб, унинг ўлиб ётганини кўрди. Қотиллик рўй берган эди. Эсон уйига қайтиб, каравотида ўтирганча, жиноятни ўз бўйнидан соқит қилишни ўйлади. Акбарнинг мотоцикл ёнида ўлиб ётиши уни бироз хотиржам қилди. Ҳеч шубҳасиз, эрталаб бу ҳолдан хабар топган кишилар Акбар мотоциклдан йиқилиб ўлган деб ўйлашади, деган хаёл билан уйкуга кетди.

Ҳа, Эсон каравотида ётиб, гўё ҳеч нарса рўй бермаган-

дек хотиржам ухларди, демак, кум устида қурилган бинодек, асоси бўш ҳулосасига ишонар ва қотилликнинг аслида қандай рўй берганлиги сирлигича қолади, деб ўйларди.

Аслида эса тунда бўлиб ўтган воқеадан қўпчилик хабардор эди. Қишлоқдоши Келдиёр унинг укасига кетмон билан ҳамла қилаётганини, Акбарнинг эса яраланган бошини ушлаганча дод солаётган ҳолатини кўрган, қишлоқ врач Ориф Бадалов бемор аёлини (Эсоннинг хотинини) муолажа қилаётди, кимнингдир инграётган овозини эшитган, "Инграётган ким?" деб хонадон эгаларидан сўраган эди. Бундан ташқари, Эсоннинг оила аъзолари ҳам бўлиб ўтган жанжалнинг шохиди эдилар. Демак, бундай қотилликни элдан яшириб, сир сақлаб бўлмасди. Шунга қарамай, Эсон Қобулов эрталаб ўрнидан тураркан, "Акбарнинг мотоциклдан йиқилиб ўлганини" элга ошкор қилишга шошилди.

III

Эрталаб кўчадаги дўкон олдида тураркан, йўлнинг нариги бошидан югуриб келаётган аёлга кўзи тушди. Бу аёл Акбарнинг хотини эди. Тунда унинг уйда бўлмаганлиги рости. Эри "Қаршига, отангникига бор, дўхтирларга кўрин, ҳеч бўлмаганда шу болангни туғиб, қўлингга ол", деб унга жавоб берганди.

Вазира отасиникига кетишдан олдин эрининг кийимларини тахт қилиб берди. Акбар тоза эгни-бошини кийиб, қишлоқдоши Яхшибойниқига тўйга кетди. Акбар кўп ичарди. Шунга қарамай Вазира уни яхши кўрар, ҳурмат қилар ва хатто унинг бакуватлигидан факрланарди ҳам. Вазира судда гувоҳлик бериб: "Отанникида ётганимда кечаси ёмон туш кўрдим ва эрталаб турмуш ўртоғимдан хабар олиш учун уйга қайтдим", дейди. Ва яна: "...Турмуш ўртоғимга Эсоннинг кучи етмасди, уни болалари билан биргаликда ўлдирган", деб гувоҳлик берди.

Ҳақиқатдан ҳам Вазира ёмон туш таъсирида эрининг тақдирдан хавотирга тушиб, шоша-пиша келаётганди. Янагаси уни кўриб, уйи томонга бурилиб кетди. Эсон эса унинг ёнига келиб: "Келин, Акбарни биров уриб кетибди, мо-

тоцикл билан кўчада йиқилиб ётибди", деди. Вазира югурганча турмуш ўртоғи ётган жойга етиб келди. Не кўз билан кўрсинки, Акбар ўлиб ётарди. Унинг боши билан оғиз атрофида қон қотиб қолганди. Аёл уйдан кўрпача олиб чиқиб, мурданинг устига ёпиб қўйди ва қайнакасига қараб, "Милиция чақиринг", деди. Табиийки, Эсон ИИБга хабар қилишдан қўрқар ва бунга иштармасди. Шу боис, пайсалга солди ҳамда Вазиранинг (судда айтишича) орқасидан изма-из юрди.

— Эрим ким билан жанжаллашди, уларнинг овозини эшитдингизми? — сўради Вазира.

— Кеча тўйда кўп ичибман, ухлаб қолганим учун ҳеч нарсани эшитмабман, — дея жавоб қилди Эсон.

— Ички ишлар бўлимига хабар беринг, — деди Вазира яна.

Шу пайт қишлоқдошлари Норпўлат ака келиб қолди. Вазиранинг қистови билан улар мотоциклга ўтириб, ИИБга хабар қилиш учун йўлга тушибди. Аммо кўп ўтмай, мотоцикл йўлда бузилиб қолганини айтиб, қайтиб келишди.

IV

Қишлоқдошлар хабар топшиди. Биргаликда марҳумни дафн этдилар. Қунар ўтган сайин Эсон хотиржам тортарди. Марҳумнинг "етти"си куни қишлоқдошлар яна тўпланишди. Улар орасида шифокор Ориф Бадалов ҳам, Келдиёр ҳам, қотиллик аслида қандай рўй берганидан озми-кўпми хабардор бошқа кишилар ҳам бор эдилар. Аммо гумонларини очик айтишмасдилар.

Ана шундай вазиятда ёзувчи Агата Кристининг детективларидаги Мисс Марплга ўхшаш бир момо ҳам маросимга келганди. Кристининг деярли барча асарларида иштори этакдиган ва воқеаларни зийраклик билан кузатиб юрадиган, чигал жиноятларнинг очилишига ёрдам берадиган Мисс Марплга ўхшаш ва аёл айнаи дамда Утамайли қишлоғида яшовчи Роҳат момо эди. Қария Вазиранинг изтиробларига ачинганиданми ёки қариган чоғида иймону диёнатини ўйлабди, бева қолган муштипарга: "Эрингни акаси Эсон кетмон билан уриб ўлдирган экан, бунга менга

Санжар ОМОНТУРДИЕВ,
Қашқадарё вилоят прокурорининг
катта ёрдамчиси

ўғлим Келдиёр айтди", деди. Марҳумнинг хотини судда ана шундай гувоҳлик бераркан, эрининг қотилига нисбатан энг оғир жазо тайинланишини сўради.

Судланувчи Эсон Қобулов ўз айбини қанчалик ҳас-пўшлашга уринмасин, ўша куннинг ўзидаяк қотиллик қандай ва ким томонидан амалга оширилгани кўпчиликка ошкор бўлган эди.

V

Жиноят ишлари бўйича вилоят суди ҳам мазкур иш юзасидан гувоҳларнинг кўрсатувларини, тарафларнинг музокараларини, судланувчининг охириги сўзини тинглаб, иш бўйича тўпланган далиллар асосида жиноятнинг ҳақиқий манзарасини тиклади. Яъни унинг қай тарзда, қачон, ким томонидан амалга оширилгани ўз исботини топди.

Энди юқорида баён этилганларни таҳлилий назардан ўтказайлик. Биринчи навбатда, агар қишлоқ шифокори Ориф Бадалов ва Келдиёр ҳамда кўчада тўхтаб, ҳовлида бўлаётган бақир-қақирларни эшитиб турган кишилар (улар Келдиёрнинг ҳамроҳлари) озгина эътиборли бўлганларида, қотиллик рўй бермаган бўларди, деган фикр ҳаёлга келади.

Тўғри, Келдиёр бунга уриниб кўрди, ҳовлига кирди, воқеани ўз кўзи билан кўриб, "Акбарни урманг!", деди ва дарвозадан чиқиб, ака-уканинг жанжаллашаётгани, уларни ажратиб қўйиш кераклигини шерикларига айтди, аммо бу жуда бўш ҳаракат эди. Унда қатъий етишмасди. Тўйдан қайтаётган қишлоқдошлар бундай мулоийм тақлифни рад эттиди. "Ака-укаларнинг жанжалига аралашмаймиз", деб жавоб қилишди.

Қотиллик тўғрисида айрим тафсилотларни беришдан мақсад газетхонларни воқеадан хабардор этиш эмас, балки лоқайдликка зарба бериш ва бунга ўхшаш жиноятларнинг олдини олиш, замонадошларимизни меҳр-оқибатли бўлишга даъват этишдир.

Ойгул ҳамма қизлар қатори
гўшанга кирганда осмон
қалар орзулар қилади. Генжамурод
(исм-фамилиялар ўзгартирилган) билан бахтли бўлишга ишонди. Турмушнинг бирда ширин, бирда аччиқ кунлари бошланди. Ўғли Бекмуроджоннинг туғилиши онага бир олам бахт билан бироз хотиржамлик олиб келгандек бўлди. Афсуски, бу ҳам узоққа чўзилмади. Кунда-кунора жанжал, келишмовчиликлар эр-хотин муносабатларини барбод этиб, оиланинг бузилишига олиб келди.

Ўхшамаган ҳаёт

Аслиддин УМУРОВ,

Бухоро вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

2009 йил 1 май куни никоҳлари бекор қилинган, Ойгул ҳам, Генжамурод ҳам ўз йўлларига кетишди-ю, ўртада Бекмурод тирик етим бўлиб қолаверди. Ота уйига қайтган кўз эри билан муҳаббатга тўла кунлар бўлганини ҳам тез-тез эслаб бошлади. Аммо энди кеч эди. Генжамуроднинг бошқа оиласи бор. У кўнгли кўчасида сайр этишни ихтиёр этганида, бу нопок йўлнинг сўнгги бека-ти шармандалик экани ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмади. Юраги остида нимадир типирчиланиши сезгандан эса қалбини лаиннинг макри эгаллаб бўлган эди. "Бу бола дунё юзини кўрмаслиги керак. Мабодо туғилса ҳам, боланинг

отаси Генжамурод деган хабар одамлар учун етарли бўлади".

2013 йилнинг май ойи ўрталарида Ногоратепа қишлоғида "Ойгул билан ажралишган бўлса ҳам ўғли баҳонасида келиб турганимиз", "Ойгул бир синфда ўқиган анави фалончининг ўғли билан ҳам..." деган узук-юлук миш-мишлар тарқалди.

Ҳар кунгидек далага отланган Ойгул ой-кунни яқинлиги боис, вужудида оғрик сезса-да, билинтирмади. Рўзгор юмушлари билан банд онаси қизининг режаларидан умуман хабари йўқ, уни кузатиб қолар экан, турмушдан ёлчимаган, бахти кемтик фарзанди бугун ўз

дилбандининг қотили, деган тамғани ортиришини билмасди...

Аёл киши учун оналик бахт. Бу салтанат соҳибаси бўлган борки, ўзини Арши аёлда ҳис этади. Тоғ-тошни қарсиллатиб, жонига озор етказган тўлғоқ азобларини бир зумда, чақалонги бағрига босган ширин лаҳзалардаёқ нуқтади. Ойгул эса бу галги фарзандини дунёга келтиришда шундай ҳисларни туймади. Норасида бўғиздан қаттиқ бўғиб турган рўмолни ечишга ожиз қолди. Бирок қоп-қора мунчоқдек кўзлариде чексиз само, нигоҳларида шарму ҳаё, меҳр-шафқатдан асар ҳам йўқ аёл қиёфасидаги ажал сиймоси

мангу муҳланди. Ойгул қора қилмишини тупроқ яширишига умидвор бўлиб, бармоқларини маҳкам ушлаб олган чақалоқни ўз қўллари билан қазиган чоғга кўмиб ташлади. Қўзларини чирт юмиб, тин олгандек бўлди гўё... Шу дақиқадан бутун вужуди зиркираб, қийнаб бошлади. Дардини яширди. Аммо...

Тергов жараёнида Ойгул ўйлаб топган макрлар тош босмади. Қанчалик оғир, қанчалик аччиқ бўлмасин, ҳақиқат қўзғусида қотил онанинг маънавий, руҳий баъдари ошкор бўлди. "Она" деган номга қора чапланди. Суд ҳўкмига кўра, унга уч йил муддатда ахлоқ тузатиш жазоси белгиланди.

ХУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2013 йил 9 декабрь куни ўтказиладиган тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган давлат активларини сотиб олишга таклиф этади.

Давлат активларини сотиб олиш шартлари қуйидагича:

- энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
- ушбу давлат активлари учун белгиланган инвестиция киритиш мажбуриятини олиш;
- янги ишчи ўринлари ташкил этиш;
- харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишнинг қисқа муддатларга амалга ошириш.

Савдоларда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар:

— сотувчининг банк ҳисоб рақамига объектнинг бошланғич нархнинг 15 фоизидан кам бўлмаган гаров суммаси;

— таклифлар ва керакли ҳужжатлар солинган ва муҳрланган конвертлар икки нусxada.

Савдо солиштирилган савдо кундан бошлаб, йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шартли юклатилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабдорлардан аризаларни қабул қилиш оферта савдосига 3 соат қолганда

тўхтатилади.

Музокара 2013 йил 9 декабрь куни соат 16:00да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-А уй манзилида ўтказилади. Ушбу кунги савдолар бўлмаган тақдирда, такрорий савдолар 2013 йилнинг 16, 23, 30 декабрь кунлари соат 16:00да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси 16-А уй манзилида ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар: 233-22-83, 233-74-72.

Хизматлар лицензияланган

Оммавий оферта савдоларига чиқарилаётган давлат активлари									
Рўйхати									
№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.)	Объект манзили	Балансда сакловчи	ПК/ВМК	Савдога чиқарилган нархи	Давлат активини сотилиш нархи (давлат активининг савдога чиқарилган нархидан 10 фоизга арзонлаштирилган бошланғич нархи) (сўм)	Инвестиция мажбурияти (млн. сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари
1	Бино ва иншоотлар	306,00	Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, К.Отабев кўчаси, 76-уй	Тошкент магистрал канали бошқармаси	25.04.2012 №1743	331 010 604,00	297 909 543,00	30,00	1 йил
2	Бино ва иншоотлар	8 204,00	Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қиячк халқа йўли (Нийёнов) кўчаси, 1-уй	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси	25.04.2012 №1743	7 317 811 400,00	6 586 030 260,00	2 195 343 420,00	1 йил
3	9 қаватли бинонинг биринчи қаватига тақаб қўрилган бино	1 044,00	Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 35-уй	Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти	25.04.2012 №1743	1 294 168 500,00	1 164 751 650,00	1 йил муддат ичида энг кўп миқдорда инвестиция киритиш шартли билан.	
4	"Махсусутилашга" МЧЖ	35,86 фовз давлат улуши	Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Олманчи кўчаси, 21-уй	"Махсусутилашга" МЧЖ	25.04.2012 №1743	956 999 600,00	861 299 640,00	100,00	1 йил
5	МЧЖ шаклидаги "Bezak" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси	17,5 фовз давлат улуши	Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Сайрам кўчаси, 26-уй	МЧЖ шаклидаги "Bezak" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси	12.08.2011 №211	1 479 496 200,00	1 331 546 580,00	1 йил муддат ичида энг кўп миқдорда инвестиция киритиш шартли билан.	
6	Илмий ишлаб чиқариш лаборатория бино ва иншоотлари	6 383,00	Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Дўрмон йўли (Ф.Ходжаев) кўчаси, 25-уй	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси	25.04.2012 №1743	6 169 416 246,00	5 552 474 622,00	1 850,80	1 йил
7	Бино ва иншоотлар	3 440,00	Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Дўрмон йўли (Ф.Ходжаев) кўчаси, 25а-уй	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси	25.04.2012 №1743	3 367 093 747,00	3 030 384 373,00	1 010,10	1 йил
8	Қурилиш тугалланмаган ишлаб чиқариш лаборатория корпуси	404	Тошкент шаҳри, Юнусов тумани, Сотибкор кўчаси, 2-уй	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси	25.04.2012 №1743	1 350 892 000,00	1 350 892 000,00	405,2	1 йил
9	Бино ва иншоотлар	13 934,00	Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чилонзор даҳаси, Ц.мивзеси, Катортал кўчаси, 28-уй.	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси	25.04.2012 №1743	11 322 596 900,00	10 190 337 210,00	3 396,78	1 йил

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли билан ўтказиладиган оммавий оферта савдоларига таклиф этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги ПК-1743-сонли қарорига ва Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 31 майдаги 154-сонли қарорига асосан сотилишни белгиланган давлат активлари, "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 21 июлдаги 145-сонли қарори билан тасдиқланган Низом ва 2009 йил 29 январдаги 27-сонли қарорининг 2-илови билан тасдиқланган Низомларига мувофиқ оммавий оферта савдосига чиқарилоқда.

Сотилиш таклиф қилинаётган давлат активининг номи, сони, тавсифи ва давлат активи жойлашган жойи:

1. Мирзачўл туман ҳокимлигига қарашли қурилиш тугалланмаган 4 та коттедж бинолари:

— Балансда сакловчининг номи ва манзили: Мирзачўл туман ҳокимлиги, Мирзачўл тумани, Гагарин шаҳри.

— объектнинг бошланғич баҳоси 73 524 000 (етмиш уч миллион беш юз йигирма тўрт минг) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;

— умумий ер майдони — 1200,0 м.кв.

— бино қурилиш ости майдони — 148,78 м.кв.;

2. "Навий кон металлургия комбинати" ДК Жанубий кон бошқармасига қарашли қурилиш тугалланмаган савдо дўкони биносига:

— Балансда сакловчининг номи ва манзили: "Навий кон металлургия комбинати" ДК Жанубий кон бошқармаси, Ғаллаорол тумани, Маржонбулоқ шаҳар фуқаролар йиғини.

— объектнинг бошланғич баҳоси 78 947 400 (етмиш саккиз миллион тўққиз юз қирқ етти минг тўрт юз) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш баҳосини ва 25 (йигирма беш) миллион сўмдан кам бўлмаган миқдорда қўшимча инвестиция киритишни таклиф этиш;

— умумий ер майдони — 918,0 м.кв.

— бино қурилиш ости майдони — 449,88 м.кв.;

3. "Навий кон металлургия комбинати" ДК Жанубий кон бошқармасига қарашли қурилиш тугалланмаган 100 ўрнли охиона ва 50 ўрнли чойхона биносига:

— Балансда сакловчининг номи ва манзили: "Навий кон металлургия комбинати" ДК Жанубий кон бошқармаси, Ғаллаорол тумани, Маржонбулоқ шаҳар фуқаролар йиғини.

— объектнинг бошланғич баҳоси 109 372 000 (бир юз тўққиз миллион уч юз етмиш икки минг) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш баҳосини ва 25 (йигирма беш) мил-

лион сўмдан кам бўлмаган миқдорда қўшимча инвестиция киритишни таклиф этиш;

— умумий ер майдони — 3566,0 м.кв.

— бино қурилиш ости майдони — 646,38 м.кв.;

4. Ғаллаорол туман ҳокимлигига қарашли маъмурий бино:

— Балансда сакловчининг номи ва манзили: Ғаллаорол туман ҳокимлиги, Ғаллаорол тумани, Ғаллаорол шаҳри, Мустақиллик кўчаси.

— объектнинг бошланғич баҳоси 47 149 000 (қирқ етти миллион бир юз қирқ тўққиз минг) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;

— умумий ер майдони — 8260,0 м.кв.

— бино қурилиш ости майдони — 170,71 м.кв.;

5. Жиззах вилоят қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармасига қарашли ердаҳи биносига:

— Балансда сакловчининг номи ва манзили: Жиззах шаҳри, Сайилжойи маҳалласи, Ш.Рашидов кўчаси.

— объектнинг бошланғич баҳоси 59 109 537 (элик тўққиз миллион бир юз тўққиз минг беш юз ўттиз етти минг) сўм миқдорда тасдиқланган ва ундан аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шартли билан 12,5 (ун икки миллион беш юз минг) сўмдан кам бўлмаган миқдорда инвестиция киритиш мажбуриятини олиш шартли билан сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;

— умумий ер майдони — 754,0 м.кв.

— бино қурилиш ости майдони — 277,76 м.кв.;

6. Дўстлик тумани ҳокимлигига қарашли собиқ 6-сон болалар боғчаси биносига:

— Балансда сакловчининг номи ва манзили: Дўстлик туман ҳокимлиги, Дўстлик тумани, Дўстлик шаҳри.

— объектнинг бошланғич баҳоси 39 780 000 (ўттиз тўққиз миллион етти юз саксон минг) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;

— умумий ер майдони — 1420,0 м.кв.

— бино қурилиш ости майдони — 263,34 м.кв.;

7. Жиззах тумани Равот ҚФЙ, Учқизлар МФЙда жойлашган собиқ Учқизлар алоқа бўлими биносига:

— Балансда сакловчининг номи ва манзили: "Ўзғиртасалок" ИТТАБ УШК, Жиззах тумани Равот ҚФЙ.

— объектнинг бошланғич баҳоси 92 767 200 (тўқсон икки миллион етти юз олти миш етти минг икки юз) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;

— умумий ер майдони — 6400,0 м.кв.

— бино қурилиш ости майдони — 625,7 м.кв.;

8. Зарбдор тумани, Бўстон шаҳарчаси жой-

лашган "Ховос-Зомин" ирригация тизими бошқармасига қарашли эски идора биносига:

— Балансда сакловчининг номи ва манзили: "Ховос-Зомин" ирригация тизими бошқармаси, Зарбдор тумани, Бўстон шаҳарчаси.

— объектнинг бошланғич баҳоси 113 754 900 (бир юз ун уч миллион етти юз элик тўрт минг тўққиз юз) сўм, объектни қайта таъмирлаш, ундан аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шартли билан 5,0 (беш) миллион сўмдан кам бўлмаган миқдорда қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини таклиф этиш;

— умумий ер майдони — 5346,7 м.кв.

— бино ва иншоотларнинг эгаллаган ер майдони — 504,0 м.кв.;

9. Зомин қишлоқ ҳўжалиги ва маиший хизмат касб-ҳўнар коллежига қарашли дам олиш маскани:

— Балансда сакловчининг номи ва манзили: Зомин қишлоқ ҳўжалиги ва маиший хизмат касб-ҳўнар коллежи, Зомин тумани, Ғаллаорол ҚФЙ, Хулкар қишлоғи.

— объектнинг бошланғич баҳоси 69 016 000 (олти миш тўққиз миллион ун олти минг) сўм миқдорда тасдиқланган, объектни қайта таъмирлаш, ундан дам олиш маскани сифатида фойдаланиш шартли билан 15 (ун беш) миллион сўмдан кам бўлмаган миқдорда инвестиция киритиш мажбуриятини таклиф этиш;

— умумий ер майдони — 3670,50 м.кв.

— бино қурилиш ости майдони — 608,03 м.кв.;

10. Зомин тумани, Зомин шаҳарчаси, С.Раҳимов МФЙ, Р.Алимов кўчасида жойлашган 9-сон "Дўстлик" номи болалар боғчаси биносига:

— Балансда сакловчининг номи ва манзили: Зомин туман халқ таълими бўлими, Зомин шаҳарчаси Мустақиллик кўчаси 78-уй.

Ўтказиладиган музокараларнинг асосий шартлари:

— объектнинг бошланғич баҳоси 279 693 000 (икки юз етмиш тўққиз миллион олти юз тўқсон уч минг) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш баҳосини ва унинг фаолиятини болалар боғчаси сифатида ишлатиш учун 7,5 (етти ярим) миллион сўмдан кам бўлмаган миқдорда қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини таклиф этиш;

— умумий ер майдони — 5985 м.кв.

— бино ва иншоотларнинг эгаллаган ер майдони — 1570,08 м.кв.;

11. Ғаллаорол тумани ҳокимлигига қарашли Ғаллаорол тумани, Маржонбулоқ МФЙ, Геологар маҳалласида жойлашган омбухона биносига:

— Балансда сакловчининг номи ва ман-

зили: Ғаллаорол тумани ҳокимлиги, Ғаллаорол шаҳри Мустақиллик кўчаси 49-уй.

— объектнинг бошланғич баҳоси 37 462 700 (ўттиз етти миллион тўрт юз олти миш икки минг етти юз) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;

— умумий ер майдони — 1957 м.кв.

— бино қурилиш ости майдони — 785,05 м.кв.;

Сотувчи: Давлат рақобат қўмитаси Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси.

Вилоятнинг манзили: 130100, Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси 63-уй.

Алоқа телефонлар: (8 372) 226-25-04, 226-39-31, факс: 226-57-85

Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш санаси, вақти ва жойи: музокаралар (оммавий оферта) Давлат рақобат қўмитаси Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси (манзил: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси 63-уй)да 2013 йил 24 октябрь куни соат 10:00да бўлиб ўтади.

Тўғридан-тўғри музокараларда қатнашиш учун талабдор ёки унинг вакили эълонда белгиланган муддатларда шахсан ўзи ёки почта орқали қуйидаги ҳужжатларини илова қилган ҳолда буюртманомани икки нусxada тақдим этади:

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилишга тўғрисидаги гувоҳнома-нинг нусхаси, шунингдек ваколатли вакилнинг қатнашиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— jisмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— Сотувчининг банк ҳисоб рақамига савдога қўйилган давлат активи бошланғич нархнинг 15 фоиз миқдорда закалат тулганлигини тасдиқлайдиган тулов ҳужжати-нинг нусхаси;

— икки нусхадagi ёпиштирилган конвертларга солинган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган талабдор таклифлари;

Сотиб олиш туловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати; — инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган суммаси, уларни тўлаш шакли, муддати ва шартлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабдорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Маъкур давлат активларининг савдога қўйилиш юзасидан аввалги берилган эълонлар бекор деб ҳисобланади.

Хизматлар лицензияланган

XALQ BANKI



Дарҳақиқат, Халқ банки томонидан кўрсатилаётган бундай кўмак тадбиркорлар учун айни муддао бўлаётганлигини бугун кўплаб сирдарёлик тадбиркорлар ўз фаолиятларида ҳис қилмоқдалар. Айниқса, тадбиркорлик соҳаси иштирокчилари орасида аёллар ва ёшлар сони тобора ортиб бораётганлигида мазкур молия муассасасининг ҳиссаси салмоқли бўлмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида тадбиркор аёлларни кўплаб-қувватлаш борасидаги 121 та лойиҳа молиялаштирилиб, жами 2 миллиард 310 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Эътибор-

Истиқболли лойиҳалар — доимий эътиборда

Ўтган йили янгиерлик Гулчехра Жонжигитова давлат-тикорат "Халқ банки"нинг Янгиер шаҳар филиалидан 50 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит олиб, тадбиркорлик фаолиятини аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш йўналишида бошлаган эди. Олинган сармоя барака келтирди, у бошчилик қилаётган "Нозигул Сардор Оқолтин" хусусий корхонаси тез орада ўз ўрнини топди.

лиси, сармоявий кўмаклардан чекка-чекка қишлоқларда яшовчи хотин-қизлар ҳам бирдек баҳраманд бўлишартир. Бунинг самараси қишлоқларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янада ривожланиб, кўплаб янги иш ўринлари яратилганлигида ўз ифодасини топаётди. Шу даврда ичида мазкур молия муассасаси ёрдами билан 100 дан зиёд аёл тадбиркорлар ишбилармонлигининг турли йўналишларида ўз бизнесларини йўлга қўйиб олгани бунинг яққол тасдиғидир.

— Кўпдан буюн нон ва нон маҳсулотлари тайёрлайдиган цех ташкил қилиниши ният қилиб юргандим, — дейди Гулистон туманида яшовчи тадбиркор Мухтарам Умуркулова. — Бу мақсадимни амалга оширишда "Халқ

банки"нинг Гулистон тумани филиали катта ёрдам берди. Гап шундаки, мазкур банкдан олган 30 миллион сўм миқдоридаги кредит эвазига илгор технологияли кичик корхона ташкил этдим. Ҳозир корхонамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар Деҳқонobod шаҳарчаси ва туман аҳолисига етказиб берилмоқда. Келгусида мазкур банк билан ҳамкорлиқни давом эттириб, тадбиркорлик фаолиятини янада кенгайтиришни режалаштираёман.

Айни чоғда "Халқ банки"нинг вилоят, туман ва шаҳарлар бўлимларида касб-хунар коллежлари битирувчиларига тадбиркорлик борасида қулай шарт-шароит яратётганлиги ҳам диққатга сазовор. Буни жорий йилнинг

1 октябригача банк филиаллари томонидан уларга 155 миллион сўмдан зиёд кредит маблағи ажратилганидан ҳам ағлаш мушкул эмас.

— Коллежни битиргач, банкнинг Оқолтин тумани филиалига қорвачликни ривожлантириш бўйича кредит олиш мақсадида мурожаат қилгандим, — дейди ёш тадбиркор Мухаммадхўжа Худоберов. — Банк жамоаси лойиҳамни тезда қўриб чиқиб, 3 миллион сўм миқдорида кредит ажратди. Натияжада ниятним рубёга чиқиб, ишларим юришиб кетди.

Вилоятда давлат-тикорат "Халқ банки"нинг имтиёзли кредитлари орқали ўз ишбилармонлиқ фаолиятини бошлаган ёки ривожлантираётган бундай тадбиркорлар хусусида яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Банк филиалларида бир қатор истиқболли режалар ишлаб чиқилганлигини инобатга олсак, келгусида бу борадаги ишлар янада жадал тус олиши, шубҳасиз. □

Банк матбуот хизмати

«EFFECT REAL GROUP» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такроран очик "аукцион" савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдоларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 31 март куни 94-сонли "Истеъмола товарлари билан узғурчи ва чакана савдони ташкил этишни таъминлаштиришда оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига асосан Фарғона вилояти "Матлуботсавдо" АК тугатилиш комиссиясининг 2013 йил 4 ноябрдаги 100-сонли хатига асосан Фарғона вилоят "Матлуботсавдо" акциядорлик компаниясининг қўйида келтирилган жамиятлардаги улушлари такроран қўйиладиган.

- Олтиариқ тумани "Олтиариқ савдо инвент" (собиқ Олтиариқ туман "Матлуботсавдо") МЧЖдаги 22,36 фоиз улуши, бошланғич баҳоси 119 064 125 сўм.
- Бувайда туман "Янгиқўрғон Файз Инвест" (собиқ Бувайда туман "Матлуботсавдо") МЧЖдаги 25,00 фоиз улуши, бошланғич баҳоси 94 275 058 сўм.
- Фурқат тумани "Омалли Инвест Тараққиёт" (собиқ Фурқат туман "Матлуботсавдо") МЧЖдаги 31,55 фоиз улуши, бошланғич баҳоси 135 704 189 сўм.
- Фарғона тумани "Аввал Обод Савдо" (собиқ Аввал

"Матлуботсавдо") МЧЖдаги 25,00 фоиз улуши, бошланғич баҳоси 13 004 877 сўм.

5. Кува тумани "Тайёрловсавдо" МЧЖдаги 25,02 фоиз улуши, бошланғич баҳоси 8 125 052 сўм.

6. Куваойи шаҳар "Куваойи Баракали Савдоси" МЧЖ балансидаги "Марказий омборхона"ни 34,76 фоиз улуши, бошланғич баҳоси 119 526 852 сўм.

7. Ҳуқўприк тумани Давлат таъминоти корхонасидаги 100 фоиз улуши, бошланғич баҳоси 2 429 746 сўм. Аукцион савдолари 2013 йил 26 ноябрь куни соат 10:00да бўлиб ўтади.

Талабгорлардан савдода қатнашиш учун аризалар 2013 йил 25 ноябрь куни соат 17:00гача қабул қилинади.

Мазкур улушлар 2013 йил 26 ноябрь куни аукцион савдоларида сотиладиган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2013 йил 11 декабрь куни соат 10:00да бўлиб ўтиши олдиндан маълум қилинади. Шунингдек, такрорий савдо учун аризаларни қабул қилиш савдо кунидан бир кун олдин 18:00гача қабул қилинади.

Савдога қўйилган "улуш"ларнинг ҳужжатлари билан "Савдо ташкилотчиси" ёки Фарғона вилоят "Матлуботсавдо" АКнинг тугатиш комиссиясида бевосита танишишлари мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар "Савдо ташкилотчиси" билан тузиладиган закалат келишувига асосан, улуш бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдорида закалат пулини тўлов ҳужжатида улушнинг номи кўрсатилган ҳолда "Савдо ташкилотчиси" "EFFECT REAL GROUP" МЧЖнинг рекузитлари, ИИН: 302128329, МФО: 00500, "Савдогарбанк" Фарғона вилоят бўлимидаги 20208000704943278001 ҳисоб рақамига тўлашлари керак.

Талабгорлар қизиқтирган барча савдолар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳар, Аҳмад Фароний кўчаси 43-уй, Фарғона вилоят "Матлуботсавдо" АК биноси.

Тел: +99895 404-54-84 "EFFECT REAL GROUP" МЧЖ Лицензия RR 0094

Хизматлар лицензияланган

«EFFECT REAL GROUP» масъулияти чекланган жамияти барча тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан, кичик бизнес вакиллари ҳамда хусусий тадбиркорларни очик танлов савдоларига таклиф этади.

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.05.2011 йилдаги 147-сонли қарори ва Фарғона шаҳар ҳокимиятининг 31.10.2013 йилдаги 377-ф-сонли фармойиши ҳамда 05.11.2013 йил куни 2479-01-22-сонли хатига асосан, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қўйиладиган ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйиладиган.

Шаҳардаги кичик ҳалқа йўли собиқ "Қадамчиқ Сурма Комбинати" ўрнида иккита минн футбол майдончаси ва унинг таркибида кийиниш-ечиниш ва ювиниш хоналари қуриш учун иккита 1200,0 кв.м. ер участкаси. Ер участкаларидан фойдаланишнинг минимал қиймати ҳар бири учун 1 054 752 сўм. Қурилишни тугатиш муддати 3 ой. Мажбуриятнинг бошланғич ҳажми Фарғона шаҳар архитектура ва қурилиш бошқармаси томонидан тайёрланган

шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2013 йил 9 декабрь куни соат 17:00да тўхтади.

Талабгорларнинг конвертлари Фарғона шаҳар ҳокимияти биносида 2013 йил 10 декабрь куни соат 16:00да очилади ва 2013 йил 11 декабрь куни соат 10:00да мазкур ҳокимият биносида таклиф энг яхши деб эътироф этилган талабгор ғолиб деб топилади.

Ер участкасига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини

"Савдогарбанк" Фарғона вилоят бўлимидаги МФО:00500, СТИР: 302128329, 20208000704943278001 ҳисоб рақамига тўлашлари керак.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдориди ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар буюртманома билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этилади:

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритиладиган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қат-

нашган тақдирда, шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— танлов ташкилотчисида закалат туланганлиги тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

— танлов ҳужжатлари талабгорига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорининг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса унинг муҳри ва ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак. Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили: Фарғона шаҳар Аҳмад Фароний кўчаси 43-уй 24-хона.

Тел. +99895 404-54-84

Веб-сайт: www.effect.uz Лицензия 0094.

Хизматлар лицензияланган

«UNIVERSAL REALTOR» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 31 майдаги "Давлат мулк объектларидан келгусида самарали фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 154-сонли қарорига асосан Тошкент шаҳар ҳокимиятининг 2012 йил 5 июлдаги 469-сонли қарорига асосан Тошкент шаҳар Миробод тумани ҳокимияти тасарруфдаги Тошкент шаҳар, Миробод тумани, С.Азимова ва Шахрисабз тор кўчаси 74-уй манзилида жойлашган умумий майдони 33 кв. метрга тенг бўлган қораловхона биноси очик аукцион савдоларига қўйиладиган. Бошланғич баҳоси 58 239 996 сўм. Минимал закалат пули қиймати 8 736 000 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 9 декабрь куни соат 11:00да Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уйда бўлиб ўтади. Буюртманомалар юқорида кўрсатилган манзилда расмий иш куллари соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади. Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2013 йил 6 декабрь соат 16:00да.

Ушбу кунда сотилмай қолган ва аукцион савдоси бўлиб ўтмаган деб эътироф этилган давлат активининг такрорий аукцион савдолари 2013 йил 16, 23 ҳамда 30 декабрь кунлари соат 11:00дан бошлаб ўтказилади. Такрорий аукцион савдолари учун талабгор-

лардан буюртманомаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2013 йил 13, 20 ҳамда 27 декабрь кунлари соат 16:00да.

Аукцион савдоси ғолиблари савдо натижалари тўғрисидаги баённома имзоланган кундан бошлаб, 20 кун муддат ичида сотувчи билан давлат активи олди-солди шартномасини имзолаши, туланган закалат пули миқдорини ўтказилган савдо натижалари тўғрисидаги баённомада қайд этилган сотиб олиш тўлови суммасининг 15 фоизидан камни ташкил этса, етишмаётган суммани олди-солди шартномаси тузилганга қадар савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Universal Realtor" МЧЖнинг ХОАТБ "Infobank" МФО: 01041, СТИР: 302 269 399, 20 208 000 804 975 228 001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни буюртманома билан бирга топшириши керак: юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тар-

тибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслардан - паспорт нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; закалат пули туланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси.

Қўшимча маълумот олиш манзили: 100047, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 15-уй.

Телефон: 150-35-55 Факс: 236-26-65 www.realtor.uz

Email universal@realtor.uz

Лицензия RR-0127.

Хизматлар лицензияланган

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси Юнусобод туман прокуратураси катта терговчиси Даврон Назарова падари бузруквори САМУЎЖОН отанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



У меҳнат фаолияти давомида Шофиркон туман прокурорининг ёрдамчиси, катта ёрдамчиси, прокуратура

Ҳурмат ва эъзозда

Ўз касбига салоқат, меҳр ва масъумият билан ёнашиб, ҳалол меҳнати билан инсонларга беғараз муносабатда бўлган одамгина эл олмада обрў-этибор қозонади. 34 йилдан ортиқ умрини қонунийликни мустаҳкамлашга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишга бахшнда этиб, жамоатчилик эътиборига сазовор бўлган инсонлардан бири, прокуратура фахрийси **Фаниева Мубина Сафаровна** қутлуғ 60 ёшни қарши олмоқда.

терговчиси, Вобкент туман прокурорининг ёрдамчиси, вилоят прокурорининг ёрдамчиси, катта ёрдамчиси, бўлим прокурори ва бўлим бошлиғи лавозимларида хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Мубина Фаниева ўзининг меҳнатсеварлиги, камтарлиги, изланувчанлиги билан ҳамкасблари меҳрини қозонди. Ишлаш даврида жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этди.

Мубина Фаниеванинг

қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ишига қўшган ҳиссаси прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланиб,

“Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими” кўкрак нишони билан рағбатлантирилган.

Бугунги кунда у мунаввар кунлар шукронасида, фарзандлар ва неваралар даврасида табаррук ёшни қаршиламोकда.

Ҳурматли Мубина Фаниева, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилангизга файзу-барака, хонадонингизга тинчлик-хотирхамлик тилаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази

Реклама



ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

“Асака” банк (ОАЖ) жамоаси куйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади.

Миллий валютада

«ФАРОВОН ТУРМУШ»

Омонатнинг сақланиш муддати 18 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат муддати тугаганидан сўнг берилади.

«МУСТАҚИЛЛИК 2013»

Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугаганидан сўнг берилади.

Хорижий валютада

«ИШОНЧЛИ» (АҚШ долларида)

Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат муддати тугаганидан сўнг берилади.

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- ✓ солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- ✓ маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- ✓ эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- ✓ микдори чекланмаган.

“Асака” банк (ОАЖ) сармоянгиз сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.

Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин. Мурожаат учун: “Асака” банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Сирғали филиали	371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96
Асака филиали	374	233-13-69
Фарход филиали	374	226-97-53
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83
Марғилон филиали	373	237-12-37
Олтириқ филиали	373	432-10-11
Кўкон филиали	373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Зарафшон филиали	436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Афросиёб филиали	366	221-77-56
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Хизматлар лицензияланган

Huquq
yuridik gazeta

Muassis:
**O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi**

Bosh muharrir:
Jahongir MAKUMOV

Tahrir hay'ati:
Hakimboy HALIMOV Baxtiyor NAZAROV
Abbosxon SANGINOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Muxtor ZOIROV Kamoliddin ASQAROV
Gulnoza RAHIMOVA (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,
Faks: 233-10-53,
233-64-85

E-mail:
huquq@huquq-gazeta.uz

Gazeta haftaning payshanba kunlari chopadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqiriz qilinmaydi va egalriga qaytarilmaydi.
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
□ — tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi
231

Buyurtma J-8447, 46 689 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Nabatchi muharrir: F.YODGOROVA
Musahhihi: M.QAMBAROV
Nabatchi: O'.DEHQONOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyat matbaaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617



9 772010 761004